Ҳақсевар, она юрт, манго бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 8 июль, шанба • № 54 (10.730) • Эркин нархда сотилади

ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ – ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

ҚИШЛОҚДА КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Куни кеча Тошкентда Ислом Каримов раислигида бўлиб ўтган республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идораларо кенгаш мажлисида қишлоқ жойларда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришнинг аҳволи ва уни жадаллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Мажлисда ўз фаолиятини қишлоқда ташкил этадиган **кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасидаги устувор йўналиш** экани қайд этилди. Зеро, ҳозирги вақтда республика аҳолисининг 61 фоизи ёки 13,8 миллион киши қишлоқ жойларида яшайди. Аҳоли ўсиш жараёни суръатлари сақланиб қолгани ҳолда 2000 йилга бориб бу кўрсаткич 16,1 миллион кишига етади.

Бу вазият ҳозирнинг ўзидаёқ рўй бериши мумкин бўлган ижтимоий тангликнинг олдини олувчи ҳамда қишлоқ жойларда яқин келажакдаёқ аҳолининг турмуш даражасини анча оширишга имкон берувчи янги тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш борасида зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Гарчи мустақилликнинг дастлабки йилларида шўро давридаги 70 йилдагига нисбатан қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш 3-4 баравар кўпайган бўлсада, қишлоқларимиз қиёфаси секин ўзгармоқда, уни эса тадбиркорликни ривожлантириш орқали амалга ошириш мумкин.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотнинг иккинчи босқичида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини жалб этиш мақсадида кичик корхоналар барпо этиш ҳамон долзарб масала бўлиб турибди, деди Ислом Каримов мажлисда. Бошқача айтганда, 3 миллион 600 минг қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатга яроқли одамларнинг деярли 2,2 миллион нафарини бемалол саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтказиш мумкин.

Жаҳон тажрибасига кўра, қишлоқ жойларида кичик бизнесни ривожлантириш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ушбу муаммони ҳал этишнинг энг самарали йўли ҳисобланади. Хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини қайта ишлаш, замонавий ўраш-жойлаш материалларидан фойдаланиш хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистондаги кичик қишлоқ корхоналари маҳсулотларининг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлай олади.

Шу мақсадда республикада кичик ва хусусий бизнесни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи зарур ҳуқуқий асос яратилган. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида, республика Президентининг фармонларида, ҳукумат қарорларида кичик ва хусусий бизнесдан солиқ олиш, унга молиявий ёрдам кўрсатиш борасида имтиёзлар бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш, бизнесни ташкил этишда, уни моддий-техника ва хомашё ресурслари билан таъминлаш борасида кўмаклашиш назарда тутилган.

Ана шу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, ҳозирги вақтда халқ хўжалигида 30770 кичик корхона ва кооператив, 20115 хусусий корхона ишлаб турибди, 15,6 минг фермер хўжалиги ташкил этилган, уларга 200 минг гектарга яқин ер биркитилган бўлиб, 67,5 минг киши меҳнат қилмоқда.

Фермер хўжаликларининг тасарруфида 190 минг бошга яқин қорамол, бошқа ҳайвонлар мавжуд. 1995 йилнинг фақат биринчи чорагидагина фермер хўжаликлари томонидан ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан икки баравар кўп гўшт ва сут тайёрланди.

«Маҳаллий саноат» корпорацияси аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга оширмоқда. 1993-1995 йиллар мобайнида корпорация қишлоқ жойларида 200 дан зиёд кичик ва хусусий корхона ташкил этди. Уларда қарийб 11 минг киши меҳнат қилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма томонидан республиканинг 187 туман ва шаҳарида бўлимлар очилди. Қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун ушбу жамғарма томонидан 62 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

Ўтган бир ярим йил мобайнида кичик ва ижара корхоналарига, шунингдек кооперативларга, деҳқон хўжаликларига ва тадбиркорларга жами 1222,3 миллион сўм миқдорида кредит берилди.

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» тизимида қишлоқ тадбиркорларига сервис хизмати кўрсатиш бўйича 160 дан кўпроқ марказ ишлаб турибди, бу ўтган йили фермер хўжаликларига 57 миллион сўмлик механизмлар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш имконини яратди. 174 та майда улгуржи дўконлар орқали қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисмлар, узеллар, бутловчи деталлар сотилди, 24,2 миллион сўмлик турли хизматлар кўрсатилди.

Шунга қарамай, қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам кўп. Бу, аввало, қишлоқ жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши орқада қолаётганида, хусусан, кичик бизнес корхоналари шохобчаларини шакллантириш ғоят сust ва кам самара билан амалга оширилаётганида кўринади.

Ҳудудий ва идоравий бошқарув тузилмалари рақбарларининг ташаббуссизлиги ва ушбу муҳим давлат вазифасига юзаки ёндашуви қишлоқда кичик ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган асосий сабаблардир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бир қатор рақбарларнинг ушбу жараён йўлидаги тўсқинликлари кўп жиҳатдан уларнинг эркин, хусусий тадбиркорларнинг янги ижтимоий қатлами шакланиши билан рақобат муҳити юзага келишидан қўрқиши, янгича шароитларда ўзларининг лаёқатсизлиги ва эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги аён бўлиб қолишидан чўчиши билан изоҳланади.

Вилоятлар ва туманларда янги тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқлар кўп ролларда қўйидагиларда намоён бўлмоқда: маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек назорат қилувчи ташкилотлар ходимлари томонидан қишлоқ тадбиркорларининг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашуви ва улар ҳуқуқларининг камситилиши, кичик ва хусусий корхоналарни рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш тўғрисидаги ҳукумат қарорларининг бажарилишига расмиятчилик билан ёндашиши, кўчмас мулк объектларини, айниқса, қурилиши тугалланмаган иншоотларни кимошди ва танлов асосида сотиш тажрибасининг ёйилишига тўсқинлик қилиш, қишлоқ тадбиркорлари ўқувини ташкил этиш даражасининг пастлиги, тадбиркорларга юридик, молиявий ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича махсус фирмаларнинг йўқлиги.

Шу туфайли қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган ишларнинг аҳволи қониқарсизлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Меҳнат ресурсларини тақсимлашнинг ривожланган мамлакатларда қарор топган мақбул тармоқ тузилмасини ҳисобга олиб, меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг камида 50 фоизини хизматлар кўрсатиш соҳасига жалб этишга эришиш зарур.

Бунинг учун нима қилиш керак? Аввало, барчамиз қишлоқ жойларидаги ҳақиқий аҳволни билишимиз, шунга қараб муайян чора-тадбирлар белгилашимиз лозим, деди Президент. Бир мисол келтирай. Кўп жойларда 50 гектар ерга эга бўлган бригадада 100 дан зиёд одам ишлайди. Ҳолбуки, сўрабсуриштирсангиз, ана шу ерга ишлов бериш, ундан ҳосил олиш учун 10-12 ишчи кучи кифоя қилади. Буни ана шу бригада бошлиғи, жамоа хўжалиги раиси биладими? Билади! Лекин, иложи йўқ, одамларни қаерга олсин? Ҳаммаси шу қишлоқда яшаса, қарамоғида 5-6 тадан жон бўлса.

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТДА: қабул пайти. Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси вице-президенти Ерик Асанбоев бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги, жумладан, маданий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этар экан, мамлакатимизда машҳур қозоқ оқини Абайнинг 150 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар ўтказилаётгани халқларимиз дўстлиги ва биродарлигини янада мустаҳкамлашини таъкидлади.

Е. Асанбоев қозоқ алломасига Ўзбекистонда кўрсатилаётган юксак эҳтиром халқларимиз маънавиятининг ягона илдизга туташлигидан дарак "берибгина қолмай, улар бугун ҳам бир танадан озиқланаётганини намойиш этишини айтди. У бу хил тадбирлар мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорлик истиқболини таъминлашда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов иштирок этди.

***

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг МДҲга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик бўйича вазири ўринбосари Герман Кузнецовни ҳам қабул қилди.

Қабул чоғида Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, МДҲ мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Ислом Каримов Ўзбекистон ҳукумати бу борадаги ташаббусларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов иштирок этди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

«АЛБО» МАҲСУЛОТ БЕРА БОШЛАДИ

***ОЛМАЛИҚДА** хорижий мамлакатлар фирмалари билан биргаликда барпо этилган яна бир қўшма корхона фойдаланишга топширилди.*

«Албо» деб аталувчи ва Олмаликдаги қатор корхоналар ҳамда Болгариянинг «Вено» фирмаси ҳамкорлигида ташкил топган бу корхона конвейери кеча харакатга келди ва ундан маҳсулотнинг дастлабки туркуми — «Албо-фреш» тиш пастаси тушди. Ой охиригача бундай кундалик эҳтиёж маҳсулотидан 150 мингта тюбик ишлаб чиқарилади.

— Қўшма корхонамизни барпо этишда Олмалиқ конметаллургия комбинати, рўзғор химияси заводи ҳам ўз маблағлари билан қатнашди, — дейди қўшма корхона раҳбари Н.Хрячков. — Бугун дастлабки маҳсулот олинди. Келажакда корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш назарда тутилган. Бу ерда турли шампунлар ва бошқа ҳар хил аэрозоллар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Корхонани тантанали ишга тушириш ва таништириш маросимига вилоят ва Олмаликдаги қатор саноат корхоналарининг раҳбарлари, тадбиркорлар таклиф қилинди.

БИЛИМДОНЛАР ТАНЛОВИ

ПЕНСИЯ ҳақидаги қонунлар, фармонларни ҳаётга тўғри тадбиқ қилиниши, меҳнаткашларнинг улардан ўринли ва унумли фойдаланиши кўп жиҳатдан бу соҳада хизмат қилаётган мутахассисларнинг мустаҳкам билими, тажрибасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ижтимоий таъминот вазирлиги ва унинг жойлардаги вилоят бошқармалари ходимларнинг малакасини, тажрибасини ошириб боришга, бу билан аҳоли пенсия таъминотини янада яхшилашга, хизмат маданиятини оширишга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Ўтган шанба куни Чирчиқ шаҳрида Тошкент вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси тизимининг пенсия таъминоти соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлари иштирокида ўтказилган пенсия қонунлари билимдонларининг кўрик-танлови ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Бу танловда ўзининг ҳозиржавоблиги, билимдонлиги билан 22 та туман ва шаҳар кўрик танловида ғолиб бўлган 17 нафар мутахассис иштирок этди.

Қатнашчилар ўз соҳаларини қай даражада билишлари, маънавиятимиз ва тарихимизга, миллий урф-одатларимизга муносабатларини муносиб намойиш эта олдилар.

Умумий якунга кўра Тошкент тумани ижтимоий таъминот бўлими ходими Фарида Азимова ғолиб деб топилди. Иккинчи ўринни эса чирчиқлик Раҳима Бектобоева олди. 2 та учинчи ўрин эса паркентлик Олим Тўйчиев билан зангиоталик Александра Бельковаларга насиб этди.

Шунингдек, танловда оққўрғонлик Баҳодир Исроилов, Бекобод шаҳридан Рада Ким, Ўртачирчиқ туманидан Қаҳрамон Ўрозовлар ҳам яхши кўрсаткичларга эришдилар. Ғолибларга вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси ва туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари совғалари топширилди.

А. МАННОПОВ.

Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги олдидан

СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Янги Ангрен иссиқлик станциясида 300 мегаватт қувватга эга бўлган навбатдаги еттинчи энергия блоки синовдан ўтказиб бўлинди

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг катта-катта қурилишлар майдонига айланди. У эндиликда йирик иншоотлар барпо этилаётгани билан МДҲ мамлакатлари орасида алоҳида ажралиб турибди. Жумладан Янги Ангрен ГРЭСида яқинда қурилиши тугалланган еттинчи энергия блоки ана шундай иншоотлардан бири бўлди. Агрегат 72 соатлик комплекс синовлардан ўтказилганида яхши натижалар берди.

«Ўзбекгидроэнергокурилиш» трестининг Янги Ангрен қурилиш бошқармаси еттинчи энергия блокини вақтида ишга тушириш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланди. Бошқарма ушбу иншоотни пойдеворидан охирги иш жараёнигача қўлдан чиқарди. Қурувчилар шу йилнинг ўзида 40 миллион сўмлик қурилишмонтаж ишларини бажардилар.

— Айни пайтда Янги Ангрен ГРЭСининг саккизинчи энергия блоки қурилишини ҳам олиб борямиз, — дейди бошқарма бошлиғи В. Маркелов. — Ҳозир унинг пойдевори кўтариляпти. Ишни тез суръатлар билан давом эттириб, уни ҳам муддатида фойдаланишга топшириш ниятимиз бор.

Еттинчи энергия блоки 300 мегаватт қувватга эга. У ҳам Шўртан гази билан ишлайди. Шу сабабли ишлаб чиқарилган электр қуввати нисбатан арзонга тушади. Умуман, Янги Ангрен ГРЭСи йил охиригача 5 миллиард 100 миллион киловатт электр қуввати ҳамда 130 миллион гигакалорий иссиқлиқ қуввати ишлаб чиқаради. У Ўзбекистон энергетика тизимидаги энг қудратли иншоотлардан бири бўлиб қолади.

— Ҳозиргача олтита энергия блоки бир маромда ишлаб келаётган эди, — дейди ГРЭС раҳбари Э. Шоисматов. — Уларнинг ҳар бири 300 минг киловатт соат, жами 1 миллион 800 минг киловатт соат электр қуввати ишлаб чиқаряпти. Энди улар сафига еттинчи энергия блоки қўшилиб, электр станциямиз қуввати яна 300 минг киловатт соатга кўпаймоқда. Жамоамиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллигини катта меҳнат зафарлари билан кутиб олишга қарор қилдилар.

Р. ҚОДИРОВ.

ҚЎШИМЧАСИ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

ЯНГИЙЎЛ тумани ғаллакорлари давлатга 11560 тонна ғалла етказиб бериб, қўшимча режани ҳам бажардилар.

Бу ютуққа А. Ортиқов номли, «Ниёзбош», Н. Ниёзов номли, «Дўстлик» жамоа хўжаликлари, Ўзбекистон машина синаш станцияси тажриба хўжалиги ғаллакорлари самарали улуш қўшдилар.

Янгийўллик ғаллакорлар келгуси йил ҳосили учун ҳам 1400 тонна сара уруғ тайёрлаб қўйдилар. Туман хўжаликларида ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Ғаллакорлар жами ҳосилни 20 минг тоннага, ҳар гектар ердан ҳосилдорликни эса 40 центнерга етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

А. РИҲСИБОЕВ.

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАЛАРИ ИШГА КИРИШДИ

ОҚҚЎРҒОН ва Қуйичирчиқ пахтакорлари ўртасидаги яқин ҳамкорлик кўпдан буён давом этиб келади. Иккала тумандаги 13 та хўжалик доимо бир-бирлари билан борди-келди қилиб туришади. 6 июль куни қуйичирчиқликларнинг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Оққўрғонга ташриф буюриб, кун бўйи мусобақадош дўстларининг ишлари билан танишишди.

«Ўзбекистон» ширкатлар бирлашмасининг вакиллари «Оққўрғон» ширкат бирлашмасида, Беруний номли жамоа хўжалиги вакиллари Сегизбоев номли халқ корпорацияси далаларида бўлишди. Пахтанинг ривожи ва ҳосил олиши ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари ва хулосаларини ўртоқлашишди, қимматли маслаҳатлар беришди, тажриба алмашишди.

Шунингдек, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Бўка, Писқент, Бекобод, Чиноз ва Янгийўл туманларининг текшириш бригадалари ўзаро тажриба алмашдилар, қимматли маслаҳатлар бердилар.

Янги қўшма корхона ишга тушди

ПАРКЕНТ УЗУМИНИ ГЕРМАНИЯДА ТАНОВУЛ ҚИЛИШАДИ

***ПАРКЕНТДАН** хушхабар олдик. Бу ерда Америка фирмаси билан ҳамкорликда янги қўшма корхона очилди.*

Паркент воҳаси ўзининг ширин-шакар узумлари билан қадимдан машҳур. Бугунги кунда бу сўлим маскандаги ҳосилли узумлар 3 минг 300 гектарга етади. Бу йил токзорларда ҳосил ниҳоятда мўл. Соҳибкорлар мавсумда 50 минг тонна узум тайёрлашни ният қилишган. Шунча неъматни исроф қилмай сақлашнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Ҳокимиятда аллақачон бунинг тадбирини кўриб қўйишган экан. Ҳосилнинг асосий қисми вино қилиш учун заводга топширилади. 2 минг тоннаси халқ услубида тоғ бағридаги махсус омхорхонада қишга сақлаб қўйилади. Қолган 3 минг тонна сара узум эса қўшма корхонага келиб тушади. Бу ерда у ишлов берилиб, махсус қоғозга ўралади. Сўнг идишларга жойланиб, Германияга юборилади.

Яқин келгусида корхона қуввати 10 минг тоннагача оширилади. Қўшимча янги ишчи ўринлари очилади. Паркент узумини Германиядан ташқари бошқа хорижликлар ҳам тотиб кўришади.

ЎЗБЕКИСТОН БУЮК АБАЙ ЮБИЛЕЙИНИ НИШОНЛАМОҚДА

6 июль куни Тошкентда Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида буюк қозоқ ёзувчиси ва мутафаккири, қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси Абай Қўнонбоев туғилган куннинг 150 йиллиги тантанали нишонланди. Юбилей тантаналарида иштирок этиш учун Ўзбекистон пойтахтига Қозоғистоннинг вице-президенти Ерик Асанбоев бошчилигидаги шу республика делегацияси келди.

Кечани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов очди.

Кечада сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов ва Қозоғистон Республикаси вице-президенти Е. Асанбоев Ўзбекистон диёрида буюк қозоқ фарзанди юбилейининг байрам қилиниши кўп асрлар давомида бир хонадонда — Туркистон диёрида яшаётган, ҳозир мустақилликка эришиб, иқтисодий қийинчиликларнинг оғир шароитида фаровонлик, умумий хонадонимизда тинчлик ва тотувлик сари ёнма-ён қадам ташлаётган Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари ўртасида тарихий таркиб топган дўстликнинг ёрқин далили эканини таъкидладилар.

А. Муталов билан Е. Асанбоев ўз нутқларида қозоқлар диёрида яқинда бўлиб ўтган учрашув, май ойида чинакам дўстлик ва биродарлик баҳори муҳитида ўтган Ўзбекистон кунлари ўзбек ва қозоқ халқлари хотирасида абадий сақланиб қолишини айтдилар.

Қозоғистон вице-президенти юбилейи тантанали равишда нишонланаётган қозоқ халқининг буюк фарзанди суратини ўзбек халқига совға сифатида топширди.

Кеча катта байрам концерти билан тугади. Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон ижодий жамоалари, Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театри ва Абай номидаги қозоқ опера ва балет театри артистлари иштирок этишди.

***

Шу куни тантанада иштирок этиш учун келган вице-президент Е. Асанбоев бошчилигидаги Қозоғистон делегацияси буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг Тошкентдаги ҳайкали пойига гул қўйди.

(ЎзА).

ҚОЗОҒИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР ВИЛОЯТИМИЗДА

Маълумки, республикамизга улуғ қозоқ оқини Абай таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун Қозоғистон Республикаси вице-президенти Ерик Асанбоев бошчилигида таниқли олимлар, санъаткорлар, шоир ва ёзувчилардан иборат делегация ташриф буюрди. Кеча делегация аъзоларининг катта бир гуруҳи Тошкент вилоятига сафарга чиқди.

Меҳмонлар хусусан Бўстонлиқ туманида бўлиб, туман меҳнаткашларининг бугунги турмуши, ишлаб чиқаришдаги ютуқлари билан танишдилар, Абай номли жамоа хўжалиги ва бир қатор саноат корхоналари меҳнаткашлари ҳузурида қизиқарли суҳбатлар, учрашувлар ўтказдилар. Шу куни Ғазалкент шаҳридаги маданият саройида ўзбек ва қозоқ санъаткорлари иштирокида катта концерт берилди.

Боғдорчилик ва сабзавотчиликда ислоҳотлар қандай бормоқда?

МУАММОЛАРНИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИШ КЕРАК?

«Халқобод» агрофирмасида вилоят соҳибкорлари ва сабзавоткорларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди



Боғдорчилик ва сабзавотчилик қишлоқ хўжалигининг муаммолар кўп тўпланиб қолган соҳалари ҳисобланади. «Халқобод» агрофирмасида ўтказилган семинар-кенгаш бу жабҳада ислоҳотлар қандай бораётгани мавзусига бағишлангани ҳам бежиз эмас.

Анжуманда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармаларининг бошлиқлари, туманларнинг ҳокимлари, туманлар деҳқончилик-саноат бирлашмалари ва агрофирмалари мутасаддилари, хўжаликларнинг раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этдилар.

Семинар-кенгаш ишида вилоят ҳокими Э.М.Рўзиев қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллиги олдидан

МЕН ВАТАНГА НИМА БЕРДИМ?



Туманимизда ҳозирги кунда 120 дан ортиқ деҳқон фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг кўплари қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари, шу жумладан, ғаллачиликка ихтисослашган. Мен раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги ҳам мана икки йилдирки ғалла етиштириб келади.

Юртбошимиз ва ҳукуматимиз биз фермерлар ҳақида жуда катта ғамхўрлик кўрсатиб келишяпти. Мустақиллик шарофати туфайли биз деҳқонлар ўз эркимизни қўлга олдик, ер, сув, мулк эгаси бўлдик. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Дала меҳнаткашларига берилган барча ҳақ-ҳуқуқлардан мен ҳам тўла баҳраманд бўлдим. «Навбаҳор» жамоа хўжалиги деҳқончилик қилишим учун 60 гектар ер майдони ажратиб берди. Ана шундан 50 гектари суғориладиган ва 10 гектари лалми ерлардир.

Мен бир нарсадан жуда қувонаман. Давр тақозоси билан биз бир вақтлар ҳукм сурган юқоридан бўладиган кўрсатмалардан бутунлай халос бўлдик. Энди ўз эркимиз ўзимизда. Қобилиятимиз, тажриба ва хоҳишимизга қараб қайси экинни танлаҳак ўшани экамиз. Мана мен ғаллачиликни ўзимиз учун эп кўрдим. Ўтган йили 45 гектар ерга буғдой экдим. Ҳеч ким эътироз билдирмади.

Фермерлар ўртасида ҳар турли баланд-паст гаплар юради. Баъзилар кўпинча бўлар-бўлмасга нолийверишади, арзимаган ишдан, қийинчиликдан муаммо ясашади. Менимча, бу ярашмаган қилиқ. Ахир ўзимиз укувсиз, тайёрига айёр бўлиб қолган бўлсак, бошқаларда нима айб? Биз ўзимиз учун хусусий мулк сифатида ажратиб берилган ерларда астойдил меҳнат қилсак, тер тўксак ҳеч қандай муаммога ўрин йўқ. Президентимиз ўз нутқларида такрор ва такрор айтганларидай энди «Бизга Ватан нима берди эмас, ўзимиз Ватанга нима бердик» деган тамойил асосида астойдил меҳнат қилишимиз, эл-юрт бойлигига кўпроқ бойлик қўшишимиз лозим бўлади.

Мен ўтган йиллар мобайнида етиштирилган мўл ҳосил сармояси ва давлат банкидан кўтарган 300 минг сўм қарз эвазига битта комбайн, битта «ГАЗ» юк машинаси, 2 та занжирли трактор, 4 та тележка ва бошқа техника воситалари сотиб олдим. Энди кўнглим жойига тушди, етарли техникам бор.

Бу йилги даромадни ҳам режа ва маслаҳат билан ўз ўрнига сарфлайман. Очиғини айтганда, бу йил чинакам ғалла йили бўлди. Гектар бошига 50 центнердан буғдой ҳосили йиғиштириб олдик. Рўзғоримиз дон-дунга тўлди. Ҳосилдан бўшаган ҳамма ерларга такрорий экинлар экиб қўйдик. Яна бир бойликка замин яратдик.

Шербўта БОЛТАБОЕВ,
Бекобод туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги ғаллакор фермери.

ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ – ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

ҚИШЛОҚДА КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, бундай аҳволда юқори даромад олиб бўлмайди. Ўша бригадир ёки раисдан бу вазиятдан қандай чиқасиз деб сўрасангиз, ҳосилдорликни оширамиз, дейди. Ҳосилдорликни қанча ошириш мумкин? Бунда мўъжиза кутиб бўлмайди! Қолаверса, катта сарф-харажат, таннарх кўтарилиши эвазига оширилган ҳосилдорликдан наф йўқ. Чунки у даромад келтирмайди.

Демак, вазият қишлоқда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни, кўплаб кичик-кичик корхоналар қуришни, сервис-хизмат кўрсатиш соҳаларини йўлга қўйишни тақозо этмоқда, дея таъкидлади Президент.

Аммо бу вазифани ҳал этиш борасида Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Жиззах, Наманган, Хоразм вилоятларида ташкилий ишлар етарли даражада амалга оширилмаяпти. Қишлоқ меҳнаткашларининг бино ва майдонларга эгалик қилиш, уларни касбга қайтадан ўргатиш ва қишлоқ аҳли учун зарур маиший хизмат турларини ривожлантириш масалалари ҳал этилмаяпти.

Қишлоқ жойларидаги бизнесни ривожлантиришнинг мухимлигини англамаслик, мазкур муаммони ҳал этишдаги лоқайдлик кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш учун жавобгар бўлган айрим вазирлик ва идоралар раҳбарларига ҳам хосдир. Хусусан, давлат мулки қўмитаси ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси ҳанузгача қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни тартибга солувчи яхлит концепцияни ишлаб чиқмаган. Қишлоқ тадбиркорларига турли вазирлик ва идоралар, мамлакатдаги ва хорижий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ёрдамни мувофиқлаштиришни амалга ошириш принципларини аниқламаган.

Ҳокимликлар, вазирликлар, катта-катта ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари шуни тушуниб етиши керакки, **одамларни қишлоқдан завод ва фабрикаларга эмас, балки саноатни одамлар хузурига — қишлоққа олиб бориш керак!** Бунда 20, 60 миллион доллар турдаги гигант фабрикалар эмас, балки **ихчам, керак бўлганда ишлаб чиқарадиган маҳсулоти турини тез ўзгартира оладиган корхоналар қуришга аҳамият бериш лозим.**

Қишлоқ бизнесини молиявий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш шакллари ва банк хизмати кўрсатиш тажрибаси бу тузилмаларда жиддий норозиликлар келтириб чиқармоқда.

Қишлоқ тадбиркорларининг кўплаб асосли лойиҳалари ва истиқболли ташаббуслари зарур молиявий ресурслар ва амалий қўллаб-қувватлаш тизимининг йўқлигига дахлдор бошқа сабаблар туфайли амалга оширилмай қолиб кетмоқда.

Бу қишлоқларда кичик ва ўрта бизнеси сармоя билан таъминловчи давлатга қарашли бўлмаган кучли жамғарма ташкил этишни тақозо қилмоқда.

1994-1995 йилларда республикада 1715 та хусусий корхона, шу йилнинг биринчи чорагида эса Навоий, Жиззах, Наманган, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 287 фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатган. Рўйхатга олинган кўпгина корхоналар ишламаяпти. «Ўзтадбиркорбанк» бўлимларида 1995 йил мобайнида рўйхатга олинган 6,3 минг кичик ва хусусий корхона ҳисоб-китоб счётида ҳеч қандай операция амалга оширилмаган.

Солиқ сиёсатини амалга оширишда кичик ва хусусий корхоналар ҳуқуқларини камситишга йўл қўйилмоқда. Бунинг устига солиқ тизими жуда мураккабдир. Тадбиркорлар солиқ тўлаш масалаларини яхши фарқлай олмайдилар, шу сабабли уларнинг кўплари ўзларига берилган солиқ соҳасидаги ва бошқа имтиёзлардан фойдалана олмаяптилар.

Кўп ҳолларда моддий-техника ресурсларини олишда тадбиркорлар билан давлат корхоналари ўртасидаги тенг ҳуқуқликка риоя қилинмаяпти.

Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларнинг раҳбарлари йирик корхоналарнинг маҳаллалар билан узвий алоқасини таъминлайдиган янги ташкилий шакларни яратиш, қишлоқ жойларда бу корхоналарнинг бўлимлари ва цехларини ташкил этиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўрмаяптилар.

Шаҳарларда жойлашган хусусий корхоналар маблағларини қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга жалб қилиш учун яратилган механизм деярли ишламаяпти.

Муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари нималардан иборат? Аввало вилоят ва туман ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари республика ҳукумати томонидан қишлоқ жойларидаги кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган барча ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилиши учун масъулиятни кучайтиришлари ва талабчанликни оширишлари керак.

Бунда буйруқбозлик, сансалорлик ва порахўрлик ҳолатларига барҳам беришга, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳамда кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида ички имкониятларни қидириб топишга, тадбиркорларга юридик, ахборот ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи маслаҳат фирмаларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Бу камчилик ва нуқсонларни тугатиш, тадбиркорлар йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш доимо бизнинг диққат марказимизда турибди ва бунга қатъият билан эришамиз, деди Ислом Каримов. Лекин масаланинг яна бир муҳим жиҳати борки, бу ҳақда алоҳида тўхталмоқ зарур. Гап одамларни, айниқса **қишлоқ аҳлини, ёшларни боқимандалик кайфиятидан халос этиш, уларда тадбиркорлик, ишбилармонлик иштиёқини уйғотиш, бошқача айтганда, уларга ана шу «касаллик»ни «юқтириш» хусусида кетяпти. Балки, бу борада тиббий тил билан айтганда, «эмлаш» чораларини кўриш лозим бўлар.** Хуллас, бозор муносабатлари соҳасидаги саводсизликка барҳам бериш, ҳамма бозор илмини эгаллаш лозим. Демоқчиманки, токи ҳар бир одам кўнглида каттакатта ишлар қилиш менинг ҳам қўлимдан келади, деган ишонч зуҳур бўлмас экан, ҳар бир одам яратувчанлик, ҳалол даромад топиш, бойиш ишқи билан ёнмас экан — қишлоқда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қийин бўлади. Қишлоқ хўжалигида, ерда банд бўлган ишловчиларнинг 90 фоизини шу йўл билан бошқа соҳаларга ўтказмас эканмиз, қишлоқда иқтисодий кўнгилдагидек натижани бермайди, дея таъкидлади Президент.

Бунинг учун эса Япониядагидек тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи, рағбатлантирувчи тизим барпо этиш зарур. Бундан ташқари, қишлоқлардаги ҳеч кимга керексиз тракторчилар тайёрлайдиган юзлаб билим юртларини ёшларни бозор муносабатлари шароитида ишлаш ва яшашга ўргатадиган билим масканларига айлантирмоқ даркор. Республика Меҳнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги бу борада амалий ишга ўтиши керак. Айниқса, сервис хизматини йўлга қўйишга алоҳида аҳамият бериш, аҳоли қўлида қолиб кетаётган пул маблағларини шу йўл билан олиш, уларни оборотга киритиш — муҳим масаладир. Республикада «Ер банки» ташкил этиш фурсати ҳам етди, деб ўйлайман. Ана шу тадбирларни амалга оширсак, қишлоқ аҳлини, ёшларни бу янги ишларга жалб эта олсак, уларни қўллаб-қувватлаб турсак, иншооллоҳ, қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотлар ҳам ўз самарасини беради, деди Президент. Фақат дадил ҳаракат қилиш керак. **Бундан 2-3 йил илгари нефть, ғалла мустақиллигига эришамиз деганимизда, яширишнинг ҳожати йўқ, кўпчиликка бу тоғдай улкан, оғир вазифа бўлиб туюлган эди. Лекин дадил ҳаракат қилиб уддасидан чиқдик-ку!** Ҳозир қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш ҳам биздан шундай саъй-ҳаракат қилишни тақозо этмоқда.

Кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг ягона, комплекс сиёсатини юргизиш, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, турли фондлар ва бошқа ташкилотлар фаолиятларини мақсадга йўлланган тарзда мувофиқлаштириш учун Давлат мулки қўмитаси марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари таркибида мустақил бўлинмалар ташкил этилиб, кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш масалаларини ҳал этиш улар зиммасига юклатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қишлоқ жойларда рақобат қила оладиган корхоналарни ташкил этишнинг барча мураккабликларини ва республика қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилишда қишлоқда кичик тадбиркорликни ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг ўта муҳимлигини назарда тутиб, бу тоифадаги корхоналар учун уларнинг жадал шаклланишлари ва ривожланишларини рағбатлантирувчи бир қатор қўшимча имтиёзларни назарда тутмоқ керак.

Қишлоқ жойлардаги тадбиркорларга юридик, техник, молия ва бошқа масалаларни ҳал этишларида ёрдам бериш мақсадида консалтинг (маслаҳат) фирмалари тармоғини ташкил этиш, Давлат мулки қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳудудий бўлинмалари зиммасига уларга ахборот ёрдами беришни юклаш лозим.

Ҳозирги кунда 70 дан ортиқ вазирлик, идора, ташкилот ва муассаса аҳолига ҳар хил турдаги хизматларни кўрсатмоқда. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бу йўналишдаги сиёсатни муваффақиятли юргизиш мақсадида қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш концепциясини республика иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги талабларини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқиш лозим.

Бу концепцияда коммунал, маиший, тузатиш-қурилиш, сервис хизматлари ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турларини комплекс ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий, молиявий ва моддий-техник шароитларини яратиш, шунингдек, қишлоқ аҳолисини хизмат кўрсатишнинг бу соҳадаги ишга касбий қайта йўллаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш масалаларига қамраб олиниши керак.

Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни кучайтириш мақсадида йирик корхоналарнинг улар атрофидаги маҳаллалар билан ҳамкорликларини йўлга қўйиш лозим. Бу мақсадда дастлабки боскичларда тажриба тарақасида «Корхона — маҳалла» тусидаги махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ўринлидир. Шунингдек, қишлоқ жойларда йирик корхоналар бўлимлари тармоғини ташкил этиш тажрибаси ҳам кенг жорий қилиниши керак.

Кичик ва ўрта бизнесга мўлжалланган кредит маблағларни ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жуда суст суръатларда ажратмоқда. Бу кредит ресурсларидан фойдаланишни кўриб чиқадиган кенгаш ташкил этиш зарур.

Нега Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ажратган 60 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитдан фойдаланиш чўзилиб кетмоқда? Сабаб шуки, бизда ана шу кредитни олувчилар аниқланмаган. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки қошида шундай кенгаш тузилса, бу ишлар анча тезлашган бўлур эди.

Мажлисда сўзга чиққанлардан айримлари тадбиркорлар фаолиятини давлат бошқарса, деган истак билдиришди. **Йўқ, деди Ислом Каримов биз амалга ошираётган ислоҳотнинг асосий моҳияти мулкни, иқтисодиётни давлат тасаррафидан чиқариш, сиёсатдан халос этиш эмасми? Бу йўлдан ортга қайтиб бўлмайди.** Бизда ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири — давлатнинг мазкур даврда бош ислоҳотчи бўлишидир. Лекин бу иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни, тадбиркорлик фаолиятини давлат бошқаради, дегани эмас. Давлат уларнинг самарали ишлаши учун шароит яратиб беради. Қонунлар, солиқлар орқали уларни аниқ мақсадларга йўналтириб туради, керак бўлганда манфаатларини химоя қилади, дея таъкидлади Президент.

Шу маънода, республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича махсус қонун ишлаб чиқиш зарурати бор, деб ўйлайман. Шунингдек, тадбиркорлар оладиган кредитлар учун имтиёзли кафолатлар берадиган суғурта компанияси, ана шу кредитларни йўналтириш бўйича лойиҳалар тайёрлайдиган «Ўзбексармояолойиҳа» компанияси ташкил этиш керак.

Бизнинг барча ҳаракатларимиз моҳиятан Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришишга қаратилган, деди Президент пировардида. Қишлоқни юксалтирмасдан, халқ хўжалигининг бу соҳасини ўзгартирмасдан, ана шу улуғ мақсадга восил бўла олмаймиз. Ҳар биримиз бу ҳақиқатни дилга жо этиб яшамоғимиз, меҳнат қилмоғимиз, курашмоғимиз даркор.

Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ.
(ЎзА).

Расмий ташриф арафасида

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Юртимизнинг турли мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалари кун сайин ривож топмоқда. Ўзбекистон муваффақият билан ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар орасида Туркиянинг ҳам муносиб ўрни бор. Қадимий қардошлик, тил, дин ва дил бирлиги бу алоқаларнинг ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Туркия бош вазири Тансу Чиллернинг юртимизга расмий ташрифи арафасида биз ушбу қардош мамлакатнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Эрдўғон Айтун билан суҳбатлашдик.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги алоқаларнинг бугунги даражаси ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ўзбекистон истиқлолга эришгач, мамлакатдаги интеллектуал имкониятлар ва фавқулодда бой табиий заҳираларга таяниб, нафақат минтақадаги, балки халқаро ҳамжамиятдаги қудратли давлатлардан бири бўлишни мақсад қилиб олди. Президент Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсат туфайли фуқароларо тотувлик ва барқарорлик эркин бозор муносабатларига ўтиш йўлида қўлга киритилган муваффақиятларнинг асосий омилларидан бири бўлмоқда. Жаҳонга юз очиш борасидаги бу сиёсат Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро минбарларда ўз овозига эга бўлишига имкон яратаётир.

Ўрта Шарқдаги дунёвий демократия анъаналарига содиқ мамлакат бўлган Туркия қардош Ўзбекистон истиқлолини мамнуният билан кутиб олди. Қадимий қардошлик туйғуси икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг муваффақият билан ривожланишига замин яратаётир. Бу дўстлик ва ҳамкорликка давлатларимиз оралиғидаги 4000 километрли масофа ҳам асло монелик қилолмаяпти.

Ўтган қисқа муддатда икки мамлакат давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари чоғида ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Бир сўз билан айтганда, ҳамкорликнинг бугунги даражаси кишини қувонтиради. Шуниси аҳамиятлики, бу алоқалар кун сайин тобора кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораяпти.

— Ўзбекистон Президенти Туркияга расмий ташрифлари чоғида мамлакатнинг йирик ишбилармон доираларини юртимиз иқтисодиётига дадил сармоялар киритишга даъват этган эди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожига бугунги кунда ишбилармонлар қандай ҳисса қўшяпти?

— Туркия Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган хорижий сармоя жиҳатидан салмоқли ўрин эгаллайди. Айни пайтда Туркиянинг 20 дан зиёд компаниялари Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарига эга. Республикада 172 та Ўзбекистон Туркия қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш, автомобил саноати соҳасида самарали ҳамкорлик қилиб келаяптилар. 1993 йилдаёқ мамлакатларимиз ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми 240 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлгани бежиз эмас. Транспорт соҳасидаги муаммолар туфайли ўтган йили бу кўрсаткич бироз пасайган бўлсада, эндиликда маҳсулот айирбошлаш ҳажми янада юксалиб бормоқда.

Ўзбек ва турк ишбилармонларининг ҳамкорлигига саноат маҳсулотлари кўргазмалари муҳим ҳисса қўшяпти. Чунки, бу кўргазмалар чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳақида талай шартномалар тузилишига эришилмоқда.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги тадбирлар, жумладан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, чет эл сармоясини жалб этиш, хусусийлаштириш, пул қадрсизланишининг олдини олиш каби соҳаларда қилинган ибратли ишлар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки каби молиявий ташкилотлар, хорижий давлатлар, шунингдек, Туркия томонидан ҳам рағбат билан кузатиб борилмоқда. Бу тадбирлардан мақсад, Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли янги китобида таъкидлаганидек, кучли ижтимоий кафолатланган демократик давлат тизимини барпо этишга эришишдан иборат. Бу мутлақо тўғри йўлдир.

Муҳтарам Президент Ислом Каримов «иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмаган давлат сиёсий мустақил бўлолмайди», дейдилар. Туркия Отатурк раҳбарлигида 1923 йилдан бошлаб ана шу тамойилга амал қилиб, талай муваффақиятларга эришди. Айни замонда биз ҳам Ўзбекистон каби жаҳон интеграция жараёнларига фаол қўшилишга интилмоқдамиз. Мақсад ва интилишларимиз бирлиги ҳамкорлигимизнинг янада самарали бўлишига кўмаклашиши шубҳасиз.

— Ўзбек ва турк халқлари бир бири билан уйғун, аммо гўзал ўзига хосликларга эга маданият соҳибларидир. Бу соҳадаги ҳамкорлик қандай кечмоқда?

— Маданий алоқаларни ҳамкорликнинг истиқболли соҳаларидан бири сифатида қайд этиш жоиз. Айни пайтда бу борадаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Санъат ва маданият, фан арбобларининг ўзаро бордикелдилари, фольклор ва болалар дасталарининг ташрифлари одатий тусга кирди.

Маориф соҳаси ҳамкорликнинг муҳим жабҳаларидандир. Туркия ўқув юртларида ўзбекистонлик ёшлардан 354 нафари 20 мутахассислик бўйича таҳсил оляпти. Ўзбекистонда ҳам юздан зиёд туркиялик талабалар билим оляптилар. Бундан ташқари, республикада 18 та умумтаълим ва 7 махсус турк лицейи фаолият кўрсатмоқдаки, уларда 3 мингдан зиёд ўзбек ёшлари билим эгаллаётир.

Шу йилнинг 9-10 июль кунлари Туркия бош вазири Тансу Чиллер Ўзбекистонга расмий ташриф буюради. Биз бу ташриф азалдан қондош ва жондош икки халқ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Амирқул КАРИМ
суҳбатлашди.
(ЎзА).

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон билан Туркия Республикаси ўртасидаги иқтисодий алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда. Айниқса, у саноат ишлаб чиқаришида яққол кўзга ташланади. Республикамиз ривожланишнинг мустақил йўлига ўтиб олгач, қўшма корхоналар барпо этиш ҳаракати авж олиб кетди. Бу ишда Туркиянинг «Бурсель»,»Язехс Текстиль» ва бошқа фирмалари фаол қатнашмоқдалар.

Ҳозирги вақтда вилоятимизда қатор шундай корхоналар ишлаб турипти. Ҳар куни беш юзтага етказиб аккумулятор тайёрлаётган Бўкадаги аккумулятор заводи, Тўйтепадаги эркаклар кўйлакларини тикишга ихтисослашган корхона ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, туркиялик қардошлар вилоятимиз шаҳар ва туманларида қатор новвойхоналарни ишга туширишда яқиндан ёрдам бердилар.

Боғдорчилик ва сабзавотчиликда ислоҳотлар қандай бормоқда?

МУАММОЛАРНИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИШ КЕРАК?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар-кенгаш қатнашчилари энг аввало «Халқобод» ва «Янгийўл» агрофирмалари ҳаёти билан танишдилар. Мевазор боғлар, узумзорларни, ҳосилга кирган сабзавот пайкалларини, дала меҳнаткашларининг оғирини енгил қилаётган техника кўргазмасини бориб кўрдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи муовини Т.Мирёқубов кириш нутқи билан очди. Йиғилишни бевосита очиқ мулоқот тарзида олиб боришга, муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳақида рўй-рост бахс юритишга келишиб олинди.

— Вилоятимиз пойтахт Тошкент ва вилоят аҳолисини сабзавот, мева, узум, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб келади, — деди Т.Мирёқубов. — Аҳоли сони ўсишига қараб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб ҳам ортиб бормоқда. Аммо аҳоли эҳтиёжларини қондиришда кейинги вақтларда узилишлар рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Хўш, бунга сабаб нима?

Авваламбор, ер ва мевазор боғларга зарур даражада эътибор берилмаяпти. Эскидан қарор топган илғор тажрибага илм-фан ютуқларига амал қилинмаяпти. Яхши анъаналар унутилиб қўйилган. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунга келиб боғларимиз аянчли аҳволга тушиб қолди. Унумдорлик, ҳосилдорлик ва сифат пасайиб кетди. Кўпгина туманларда сабзавот экинларидан, мева ва узумдан паст ҳосил олинмоқда. Масалан, ўтган йили вилоятда сабзавот ҳосилдорлиги 193,4 центнерни ташкил этган ҳолда Қуйичирчиқ туманида 144 центнерни, Бўкада — 143 центнерни, Юқоричирчиқда — 147 центнерни ташкил этди.

Ўтган йили вилоятда гектаридан ўртача 25,4 центнердан мева ҳосили йиғиб-теріб олинди. Бўстонлиқ туманида бу кўрсаткич 14,4 центнерда, Чинозда — 19,2, Янгийўлда— 17,5 центнерда қолиб кетди. Узумчиликдаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Жумладан, вилоятда гектар бошига 34,7 центнердан ҳосил олингани ҳолда бу кўрсаткич Бекободда — 3,4, Юқоричирчиқда —9,8, Оққўрғонда 10,9, Чинозда — 12,6 центнерни ташкил этди.

«Халқобод» агрофирмасида бир вақтлари 40 минг тонна маҳсулот тайёрланарди. Эндиликда у бор-йўғи 10 минг тоннани ташкил этади. Боғларнинг деярли ярми қайта таъмирлашга муҳтож. Вилоятдаги бошқа худудларда ҳам ана шундай вазиятга дуч келиш мумкин. Шундай экан бу соҳада ислоҳотларнинг боришини тезлаштириш, мавжуд аҳволни атрофлича ва чуқур таҳлил этиб, зудлик билан муаммолар ечимини топиш, зарур чора-тадбирлар белгилаш ва уларни оғишмай амалга ошириш керак. Бу — давр талаби, қишлоқда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар тақозосидир.

Р.Р.Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбари, академик М.Мирзаев шундай деди:

— Тошкент вилояти ўз боғлари шуҳратини қўлдан бой бериб қўйди. Маҳсулот сифати, ҳосилдорлик пасайяпти, технология бузиляпти. Боғдорчилик маданияти қониқарсиз. Бироқ аҳволни тузатиш, ишни тўғри йўлга солиб юбориш учун ҳамма имкониятлар бор. Мен боғларимиз ноз-неъматлари яқин келажакда жаҳонга машҳур бўлишига ишонаман. «Халқобод» яна обод бўлади.

Тажрибакор олим мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан қимматли маслаҳатлар берди.



Тошкент туманидаги Абдурахмонов номли жамоа хўжалигининг Раҳсиной Қурбонов бошлиқ 9-бригадаси мевазорларида ҳосил йиғим-терими авжида. 32 гектарлик боғда бу йил, айниқса, мева сероб. Ёз ноз-неъматлари пешма-деш шаҳарликлар дастурхонига жўнатилиб турибди.

Суратларда: теримчи Зуҳрахон Мирҳалилова; бригада бошлиғи Раҳсиной Қурбонов (чапда) ва туман агрофирмаси директорининг муовини Баҳодир Боймуҳамедовлар боғда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

— 3800 гектар мевазор боғларимиз бор. Шундан 1700 гектари ҳосилга кирган, — деди Паркент тумани ҳокими Т.Ҳолтоев. — Ҳосилли токзорларимиз 3 минг 300 гектарга боради. Бу йил мева ва узум жуда яхши, 50 минг тонна узум топшириш ва 2 минг тонна узумни қишга сақлаб қўйишни мўлжаллаяпмиз.

Сўнгра нотиқ ҳозир боғларда амалга оширилиши лозим бўлган зарур мавсумий ишлар, сабзавотчиликда уруғчилик билан боғлиқ жиддий муаммолар ҳақида гапириб, уруғни ўзимизда етиштириш ниҳоятда афзал экани, картошка уруғи масаласини ўзлари ҳал этганликлари хусусида тўхталди.

Сўзга чиққан мутахассис олимлар — республика сабзавотчилик, картошкачилик ва полизчилик илмий-ишлаб чиқариш институти раҳбари А.Боқиев ва республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти раҳбари И.Ўруновлар сабзавоткор, картошкакорлар, боғбонлар олдида турган, амалга оширилиши лозим ва шарт бўлган вазифалар ҳақида батафсил сўзладилар.

Ҳозирги кунда картошкачиликда уруғчилик масаласини ҳал этиш катта муаммо бўлиб турибди.

Уруғчилик коммерсияга айланиб кетди. Иқтисодиз кўтармаса ҳам четдан уруғлик олиб келишга ўрганиб қолдик. У минтақамизга мосми, униб чиқадими — йўқми, ишимиз бўлмайди. Ваҳоланки, картошка ва бошқа сабзавот уруғларини ўзимизда етиштириш, кўпайтириш ва жамғариш учун ҳамма шарт-шароитлар борлиги таъкидланди.

«Халқобод» агрофирмасининг директори Б.Йўлдошев кенгаш қатнашчиларига хўжаликда мавжуд бригадалар қарамоғида фермер хўжаликлари қандай қилиб ташкил этилганини айтиб берди.

«Ўзмевасабзавотузумсаноати» концернининг раиси Б.Носиров ўз нутқида асосий эътиборни ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи талаб қилаётган долзарб вазифаларга қаратди. Вилоятда элита уруғчилиги билан жиддий шуғулланиш, бу соҳада ҳам рақобатни йўлга қўйиш керак, — деди у. Уруғчилик агрофирмалари ташкил этиш лозим. Акционерлик жамиятлари, кўпроқ агрофирмалар керак. Аммо аризалар тушмаяпти. Мулкни ўз ҳақиқий эгасига топшириш жараёни суст кечаяпти. Ерларни, боғларни, фермаларни одамларга шахсий мулк сифатида сотишни тезлаштириш керак.

Жаҳон андозаларидаги рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар етиштириш янги технологияларни жорий этиш, кичик ва ўрта корхоналар тизимини кенгайтириш ҳамда айрим консерва заводларининг цехларини бевосита хўжаликларга кўчириб олиб боришни тақозо этади. Бу бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим шартидир. Тошкент, Янгийўл, Паркент туманларида ғалла ўрнига такрорий экинлар экилгани маълум мақсадни кўзлайди 80 минг гектар суғориладиган ғалла майдонларига 15 июлгача такрорий экинлар экилса ва у чилла сувига қонса анча яхши ҳосил беради.

Деҳқон маҳсулотлари бозорга чиқса, мўл-кўлчилик, арзончилик бўлади. Шунинг учун ҳар бир хўжаликнинг шаҳар бозорларида ўз дўконлари бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бозорларнинг асосий таъминотчиси ва эгаси, аввало, вилоят деҳқонлари бўлиши керак.

Вилоят бўйича бу йил 1 миллион тонна узум етиштирилади, деб таъкидланди семинар кенгашда. Ҳосил неснобуд бўлмаслиги учун, майиз, вино ва шинни қилишга алоҳида эътибор бериш лозим. Мавсумда 300 тонна майиз қуритиш кўзда тутилган. Ҳозир ўрик, олма, нок, олхўри ва бошқа мевалар ғарқ пишган. Улардан ҳам қоқи солиш айни муддаодир.

Семинар-кенгашда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Н.ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.

Абай таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланмоқда

БУЮК АДИБ ҲАҚИДА

Изида ўлмас-ўчмас сўз қолдирса, —
Бўлармикан шу одамни ўлди деса?!
АБАЙ ҚЎНОНБОЙ ўғли.

1885 йили қозоқ халқининг ҳаётида муҳим бир воқеа бўлиб ўтади. Семипалатинск губерниясида, Қора мўла манзилида қозоқ уруғ оқсоқоллари, бий ва бўлисларининг фавқулодда съезди чақирилади. Бу улкан йиғин тарихга «Қора мўла съезди» номи билан кирган. Съездни мазкур губерниянинг генерал-губернатори Секлинскийнинг ўзи бошқариб, унда Зайсан, Ўскемен, Кереку, Семей ва бошқа уездларда яшовчи қозоқ уруғларининг юздан зиёд бий-бўлислари, оқсоқоллари иштирок қиладилар. Йиғилган бийлар ва бўлисларнинг кўпчилиги ўзаро тил бириктириб, тўбиқти уруғининг қайсар ва тўғрисўз, обрўли бийи — Абайни мансабидан туширишга, шу тариқа уни элда обрўсизлантиришга, «оёқ ости қилиш»га бел боғлайдилар. Сабаби, ёши ҳали қирққа ҳам етмаган бу бий ўзининг адолатли фаолияти, камбағалпарварлиги, халқчиллиги билан қозоқ даштларида ном қозонаётган, бошқа бийларнинг тўғрилигига, ҳукмфармолилигига, обрўларига «соя сола» бошлаган эди. Хуллас, халқпарвар деб довруғ қозонаётган ёш бийни қулатиш учун ҳамма ҳийлалар ишланган, кўпчилик шунга бош ҳам қўшган, ҳатто, жаноб Секлинский номига Абайни қоралаб «чақим хати» ҳам уюштирилган, фақат, тезроқ съезд бошланса-ю, Абайнинг шарманда бўлиб, амалдан ҳайдалишини ҳамма кўрса-эшитса, бас...

Бироқ, тақдирнинг «ҳазили»ни қарангки, съездда Абай бийликдан тушиш у ёқда турсин, аксинча, янада юксакроқ лавозимга сазовор бўлди, яъни, у янги таъсис қилинган тепа (тўба)бий мансабига муносиб деб топилди ва шу тариқа Семей ҳудудидаги барча қозоқ уруғлари устидан бош бий бўлиб сайланди! Бу нима тасодифми ёки Абай адолатининг халқ томонидан тан олиниши, ёқлаб овоз берилишимиди? Хуллас, бу одил воқеа қай тариқа юзага чиқмасин, худди ўша йилни — 1885 йилни Абай юлдузи порлаган йил деб, айтиш мумкин...

Дарвоқе, шу пайтгача ўз шеърлари, ўланлари, чақиндай янгроқ насиҳатларини ўзга ном остида чоп эттириб порлаган ёш бий 1886 йилдан бошлаб ўзининг ҳақиқий исми — Абай Қўнонбой ўғли номи остида элга ёя бошлайди.

... Тўбиқти уруғининг қаҳри қаттиқ, шафқатсиз бийи — Қўнонбойбий хонадонида 1845 йилнинг 10 август куни янги фарзанд туғилди. Тақводор ота, қамчисидан қон томиб турган эл оқсоқоли Қўнонбой бу болага яхши ниятлар билан Иброҳим деб ном берди. Иброҳим ғўдаклигиданоқ ўзининг ноёб қобилиятларини намоён қила бошлади, тез савод чиқарди, мактаб-мадрасаларни аъло ўқиб тугатди, халқ ичида эса «тили ўрокдай ўткир болакай» деб ном чиқарди. Онаси Ўлжой бека, бувиси Зере бойвуччалар ғаройиб зеҳнли, зийрак, тили ўткир болакайни эркалаб «Абай» деб чақирар эдилар. Бутун тўбиқти уруғи, қозоқ даштларида яшовчи аҳоли, йўлдан ўтган йўловчилар Абайнинг диловарлигидан, тўғрисўзлигидан, қайсарлигидан ҳайратланиб ёқа ушларди.

Абайнинг бутун ҳаётий фаолияти, оқинлик умри, халқчиллиги, эл-юртини эзгулик сари бошлаши — машаққатлар, ранжу кулфатлар ичида кечди. У бирданига оқин, бирданига халқпарвар раҳнамо, бирданига камбағал-мазлумларнинг паноҳи бўлиб қолгани йўқ. Абай яшаган давр қаттол, бешафқат бир давр эди — рус улуғ империячилари айюҳаннос солиб, Марказий Осиёни эгаллаётган, туркий хонликларни забт этиб, йўқотиб, ўз «ҳимоя»сига мажбуран киритаётган бир давр, халқ бир томондан босқинчи-зобитлар ҳийла-найрангларидан азоб чекар, иккинчи томондан уруғ оқсоқоллари, ўғри ва порахўр бий-бўлисларнинг зулмидан, ноҳақликлардан адойи тамом бўлган эди. Ана шундай бир зулматли даврда қозоқ даштлари бўйлаб Абайнинг шафқатнисор, малҳамий, дардчил, аёвсиз шеър-ўланлари янграй бошлади, овулдан овулга, элдан элга, тилдан тилга ўтиб, ҳақиқат ва адолат жаранги бўлиб қўнгилларни тўлдирди. Ноҳақликка учраган ҳар бир одам, ҳар бир йигит-қиз, етим-есирлар Абай ўланларини дилларига жо қилиб олдилар, тўй-йиғинларда ҳам, ёлғизлик-бедорлик лаҳзаларида ҳам ёдладилар, ижро қилдилар, алқадилар, дуодай такрорлаб юрдилар. Абай ўланлари, насиҳатлари халққа руҳий малҳам, умидга ва ҳаққа етакловчи бир сарвар бўлса, Абайнинг ўзи эса — ҳам оқин, ҳам бий, ҳам халқнинг маънавий отаси сифатида ҳамиша ҳақ-ҳақиқат, одиллик, меҳру мурувват қўрғонини бино қилди, нурамас кошона сифатида барча мазлумларни ўзига чорлаб турди. Қозоқлар ичида ўша йиллари «Адолат истасанг — Абайга бор!» деган мақолнинг кенг тарқалиши ҳам бежиз эмас эди...

Бир куни, етмишлардан ошиб, ҳажга бориб, умр бўйи қилган зулму гуноҳларига тавба қилиб, истиғфор айтиб, Мекка-Мадинада меҳмон сарой қурдириб келган Қўнонбой ҳожи ўғлига шундай дейди:

— Абайжон болам! Сен худди яйдоқ сувга ўхшайсан. Сенга ҳамманинг оғзи етаверади. Ким келса — яхши гапирасан, кулиб қарайсан, ҳамманинг кўнглини топишга уринасан. Ҳолбуки, ит ҳам, тўнғиз ҳам келиб тегинаверадиган, тил суқаверадиган яйдоқ сувнинг қадри бўлмайди. Одамлар ҳам сени қадрламай қўйишади, болам...

Абай эса:

— Ота, мен фақат қўлида куроли бор одамгагина насиб қилувчи қудуқ суви бўлолмайман. Мен ростдан ҳам кенг ёйилиб ётган яйдоқ сувман. Ташналар келсин — чанқоғини боссин, ҳаромилар келсин — тилини суқиб олсин, бу билан мен ё камайиб, ё булғаниб қолмасман. Халқнинг топган адолати, олган ибрати, қилган дуоси мени ҳамиша поклаб туради, — деб жавоб беради.

... Қора мўла қурултойида (1885 йил) «Абайни қулатамиз, обрўйини тўкамиз» деб келган бий-бўлислар ўзлари қўл кўтариб, уни бош бий қилиб сайлаган эдилар. Абай шу даврдан бошлаб қозоқ даштларига юлдуздай нур соча бошлади. Абай шу йиғинда бош бий бўлиб сайлангач, уч кун-уч тун ухламасдан «Қозоқнинг янги қонуни» деган ҳуқуқий асар ёзиб чиқди ва бу қонун шу қурултойнинг ўзида ўқиб эшиттирилиб, халқ муҳокамасидан ўтди, қабул қилинди, генерал-губернатор томонидан тасдиқланди. Кейинчалик даштаро «Абай занги» (қонуни) деган ном остида машҳур бўлган бу қонун туфайли қозоқ халқининг турмуш тарзи янгилана борди, фаровонлашди, зулматдаги зиёдай шуъла касб эта бошлади, айнан шу қонун туфайли асрлар бўйи ҳақ-ҳуқуқсиз бўлиб келаётган қозоқ хотин-қизлари эркка эга бўлдилар, ўз тақдирларини ўзлари қўлга олдилар. Айни ўша йиғиндан сўнг оқин Абайнинг жавоҳирдай жилоли, олтиндай баҳоли, юлдуздай шуъалали сўзлари мангулик касб эта бошлади, битмас-туганмас хазинага айланди.

... Ҳикоя қилишларича, Қўнонбой ҳожи вафот қилганида бутун тўбиқти уруғи йиғилиб келади. Есентой деган кўпни кўрган одам ҳалойиққа қараб:

— Ҳалойиқ, Қўнонбой бобо қандай одам эди? Ундан бу дунёда эсдалик бўлиб нима қолди? — деб сўрайди. Шунда Бойкўкча оқин ўлан айтибди:

— Қўнон сўзи Бухоронинг деворидай,
Мулла айтган китобнинг дуосидай.
Қўнон кетди, олди нур, ёруғ бўлсин,
Ортида олтин қолди от бошидай! — деган экан.

Халқ «от бошидай олтин»нинг Абай эканини тушунибди.

Олтин эса зангламайди.

Абайнинг олтиндай сўзлари ҳам ҳеч қачон зангламайди, ҳеч қачон унутилмайди.

Музаффар АҲМАД.

ҲАКИМБОЙ МАРСИЯСИ

Абайнинг баъзи тўпламларида бу шеър «Ҳакимбой ўлганда» деган сарлавҳа остида чоп қилинган. Ҳакимбой — Абайнинг Дилда исмли хотинидан туғилган фарзанд. У болалигида вафот этади (1865-1874). Лекин, шеърнинг ҳақиқатда ҳам Ҳакимбойга атаб айтилгани бироз гумонли. Чунки, мазмунига қараганда, марсия йигит бўлиб қолган фарзандга бағишлангандай. Шунга қарамасдан, шеър Ҳакимбой вафотига нисбат бериб, таржима қилинган.

Кўз юмганча дунёдан,
Иймонин айтиб кетди-ай!
Пайшанбами бугун?— деб,
Жумага қарши ўтди-ай!
Ер гунграниб, юрт чувлаб,
Оғайин тугал келди-ай!
Жамоат тўнгмай, кун исиб,
Худойим раҳм қилди-ай!
Эгам қабул олди деб,
Кўнглимга қувват битди-ай!
Қувватланиб боқсам ҳам,
Бир қарамай кетди-ай!

Бундаги ота-бобоси —
Ўрта юзнинг улуғи.
Ул ёқда она-момоси —
Ўзан сувларнинг тинриги.
Икки асилдан яралган,
Ўзи-ку олтин синиги.
Ўлгунча эсимдан чиқмайди
Ўзгача қилган қилиғи.

Қизилпоча қироннинг
Полопонини дард олди,
Мевали оғоч, бойтерак
Оёғидан ўт олди.
Изида тирноқ қолдирмай,
Ёй-қўйруғин калта олди.
Дийдорига қариндош
Тўя олмай қолди — эрта олди.

Кўп яшатмай кўк ўрди,
Яраси улкан ёш ўлим!
Кун чалган ерни тез кўрди
Кунчил дунё, қасд ўлим!
Изида тирноқ қолдирмай,
Баҳри қаттиқ тош ўлим.
Йиғламайин десам ҳам,
Чидаб бўлмайди бир дам,
Битди сабр-бардош, ўлим!

Ақлда теран денгиз эдим,
Ўроқдай тилли оғиз эдим,
Кўп яшамай, тез кетиб,—
Кўзимнинг ёшин оқиздинг!

ОҚИН БИЛАН АСИЛБЕК

АБАЙ ёш йигитлик пайтида Асилбек бўлисларга қўшилиб, замонасининг машҳур оқини Собирбой оқининг уйига қўноққа боради. Собирбек оқин Асилбекнинг қайнотаси экан. Меҳмонлар жойлашиб ўтиргач, пойгоҳдаги бир сулув уларга чой қуйиб бера бошлабди. Ёш Абай шу қизни ёқтириб қолибди. Бир пайт ташқарига чиққанларида Абай Асилбекдан:

— Асеке, боя чой қуйиб бериб ўтирган қоракўз ким эди?— деб сўрайди.

— У қиз менинг болдизим, Собирбой оқиннинг кенжа қизи Қувондиқ,— деб жавоб берибди Асилбек.

— Шу болдизинг билан мени таништириб қўйсанг, қалай бўларкан, менга жуда ёқиб қолди...

Асилбек негадир Абайнинг илтимосини бажаргиси келмай, рўйхушлик бермабди. Абайга «кўрармиз» деб мужмал гап қилибди-да, бир одамга топшириқ бериб:

— Қувондиққа айтиб қўй, Абай билан кўз уриштириб, гаплашиб юрмасин, учрашувни эса хаёлига ҳам келтирмасин, шуни қаттиқ тайинла!— деб шипшиб қўйибди.

Асилбек рўйхушлик бермагач, Абай ўз илтимосини ҳеч кимга билдирмасдан, бошқа бир одамга айтибди. Ўртага тушган йигит «Қувондиқ билан гаплашиб келдим, розилигини олдим. Эртага фалон вақтда хув четги ўтовда учрашасизлар»— деган хушхабар етказибди.

Эртасига Асилбек Абайга:

— Вазият сен кутганчалик эмас, болдизимнинг боши берк, ўзининг гаплашиб-севишиб юрган йигити бор экан. У ваъдасига маҳкам қиз, мен шунча уринсам ҳам, сен билан учрашишга рози қилолмадим,— дебди. Қиз билан аллақачон учрашиб келган Абайнинг ўшанда айтган ўлани:

— Овул силжиб қўнибди ялпоқ чийга,
Икки довгар юкунар одил бийга.
Болдизингиз ваъдасига маҳкам экан,
У ҳалиям ўтирибди четки уйда!

МУРУНБОЙ ЖИРОВ СЎЗ АЙТГАНДА

Абайнинг Абдураҳмон (Абиш) исмли ўғли касалланиб, вафот қилди, деган қайғули хабарни эшитган Мурунбой жиров (Мурунбой Қанқўжаули, дузбенбет уруғидан) кўнгил айтиш, таъзия билдириш учун Абайнинг уйига келибди. Келса Абай уйда, хотини Дилда (Абишнинг онаси) эса икки кундан бери туз-томоқ тотмай, тўшак тортиб ётган экан. Шунда Мурунбой Абайнинг дўмбирасини қўлга ола-сола, йўқлов-юпатувни бошлаб юборибди:

— Ёвонга битган тол қуврай,
Бошидан учди бўзтўрғай.
Озни аямас, кўпдан қўрқмас
Тақдирнинг иши ўшандай.
Яхшими-ёмон бари ўтар,
Турмайди танлаб бир худой,
Ўлчанган вақт етганда
Келади ажал қурғур-ай.
Дилдашим, кўтар бошингни,
Кўнгилга қайғу ташимай.
Титраган аламим босилсин,

Абайжон, опке носинг-ай... — деганда, Дилда бошини тиклаб, жиров билан кўришибди. Абай:

— Қирчин умрни эсга олиб,
Мурунбой, келдингми қошима-ай?— деб носқовоғини узатибди.

ҲИКМАТЛАР

Абай

Меҳнат қилмай топган мол давлат бўлмас,
Қир сувидай, тўхтаб турмас у бир нафас.

***

Ёмонлар қилолмайди ҳалол меҳнат,
Ўғирлик, шумлик билан ўтар фурсат.
Ҳаромликдан бир зарар кўрмай қолмас,
Минг кун топмай, бир куни топар иллат.

***

Таъма қилма, берса олма оч одамдан,
Ниманг кетар яхши ўлан, сўз айтгандан.
Суюнувчи одамни суй, хизматин қил,
Йироқ юргин қўшиқ сотиб пул олгандан.

***

Бир ерда бирга юрсанг бошинг қўшиб,
Биринги биринг сўйла жўшиб-жўшиб.
Биринги биринг иззат-хурмат айла,
Сизларга душман жонлар қолсин чўчиб!

***

Нодонларга бош қўшма,
Чин сўз айтиб ўлсанг ҳам.

***

Фойдани ўйлама, номусни ўйла,
Кўпроқ илм топмоққа ҳаракат айла.

***

Шуни ўқиб, ўйлайвер, бўлсанг зийрак,
Меҳнатинг сот, ор сотмоқ нега керак?
Шу уч нарса инсонга фазилатдир:
Ишга ғайрат, нурли онг, тоза юрак!

ҲАФТАЛИК ТВ КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 10

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".
18.40 Футбол шарҳи"
18.55 "Ҳуқуқий жамият сари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ўзбекистон — тараққиёт йўлида".
20.10 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 ЎзТВ хазинасидан. Иззат Султон. "Имон". Телеспектакль.
23.30 Эълонлар.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Галатепалик авлиё". Қисқа метражли бадиий фильм.
18.55 "Тафсилот".
19.10 "Саломатлик — туман бойлик".
19.40 "Деҳқон ҳиммати".
20.10 "Спорт-тайм".
20.40 — 22.40 "Осилсанг, баланд дорга осил". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 "Репортёр".
20.50 "Автолаҳза".
21.00 "Ҳақиқат онлари".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 — 23.25 Тунги телесериал. "Океан". Бадиий фильм. (Италия — Испания — Буюк Британия). 2-серия. 1-қисм.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Ёшлик" студияси. "Газалхон ёшлигим".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

*

"ОМАД" таништиради:
19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Эълонлар.
21.40 Видео — "О".
23.20 Эълонлар.
23.25 "Курьер".
23.45 "... яна об-ҳаво ҳақида".
23.55 — 00.05 "Постфактум".

СЕШАНБА, 11

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Ўлан". Бадиий фильм.
9.35 Немис тили.
10.05 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
10.40 "Абитуриент-95". Физика.
11.10 Болалар учун. "Ёзимиз — соз ўтмоқда".
11.40 — 13.40 "Умидлар йили". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Қўнғирокча".
18.40 "Солиқ".
19.00 "Тафаккур ёлқинлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Истиқлол адабиёти".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Инсон, жамият, қонун".
22.05 "Эъзоздаги қўшиқлар".
22.50 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 7-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Табиат дунёси".
19.50 Янгиликлар.
19.55 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.15 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 Видеогид.
21.50 "Теле-ателье-шоу".
22.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

6.30—8.00 "Телетонг".

* * *

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 Жаҳон операси намояндалари. Ж. Верди. "Аида".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 — 23.50 Жаҳон операси намояндалари. Ж. Верди. "Аида" (давоми).

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Гўзаллик бунёдкорлари".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.00 "Соккер-клуб".
21.45 — 21.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 12

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Тоғдаги ғор сирлари". Бадиий фильм.
9.15 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз".
9.55 "Абитуриент-95". Математика.
10.25 Шифокор экрани.
10.55 Чолғу куйларидан концерт.
11.25 — 13.25 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Суянч".
18.40 "Тараққиёт".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Бухоро вилояти.
22.10 Ўзбек Давлат филармонияси "Лазги" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
22.55 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 8-қисм.
23.45 Эълонлар.
23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Акс-садо".
19.00 "Бумеранг". Экология ҳақида.
19.30 "Тошкент оқшомида".
20.30 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатув.
21.15 — 22.55 "Кинематограф".

ЎзТВ III

6.30—8.00 "Телетонг".

* * *

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.50 Мини-футбол.
21.00 "Давр дарёси".
21.10 "Адабиётларни излаб".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35—23.30 Тунги телесериал. "Океан". Бадиий фильм. 2-серия. 2-қисм.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Тадбиркорлик мактаби".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

*

"ОМАД" таништиради:
19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 — 23.45 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Бировнинг хати". Бадиий фильм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.
10.30 "Ҳаёт сўқмоқлари". Кинодастур.
11.10 "Ишбилармон".
11.40 — 13.40 "Ёшлик" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.15 Болалар учун. "Эртаклар — яхшиликка етаклар".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Жаҳон жанговар санъатлари".
22.00 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 9-қисм.
22.30 "Актёрлар ва роллар". Ғайбулла Ҳожиев.
23.30 Эълонлар.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Янгиликлар.
19.25 Видео янгиликлари.
19.45 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.20 — 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

6.30—8.00 "Телетонг".

* * *

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 Телефильм.
20.55 Фавқулодда канал.
21.45 "Давр дарёси".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35—22.50 Жойлардан репортаж.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мульткарусель".
19.00 "Тушимизга кийиклар киради". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Замандас" (қозоқ тилида).
21.35 — 22.15 "Салом, Франция!".

ЖУМА, 14

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Осмондан тушган беш ўғлон". Бадиий фильм.
9.30 Немис тили.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкаки..."
10.40 "Вазият".
11.10 "Китоб ва ҳаёт".
11.40 "Маърифат маскани".
12.10 — 12.55 "Дўстлик ришталари".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Кичкинтой" студияси. "Доно бобо даврасида".
18.50 "Сиҳат-саломатлик".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Мушоҳада учун мавзу".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мен туғилган тупроқ".
21.50 "Назм ва наво". Ҳазиний лирикаси.
22.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. "Тасодифий қотил". Бадиий фильм.
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Билиб қўйган яхши".
18.55 "Самарали изланишлар".
19.25 "02" тўлқинида.
19.50 "Ибратли умр".
20.00 "Бизнес-академия".
20.25 "Излаган имкон топади".
21.00 — 22.30 "Йўқолган гувоҳ". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

6.30—8.00 "Телетонг".

* * *

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 "Қотил бунинг ўзи..." Бадиий фильм.
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.40—00.20 Экранда премьера. "Қора сувлар устидан". Бадиий фильм.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Ҳаракатда баракат".
19.15 "Байрамали". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

*

ОМАД" таништиради:
19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 "Автоклуб".
21.25 Машҳур кишилар клуби. М. Матье.
22.05 Эълонлар.
22.10 "Даракчи".
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.05 Видео — "О".

ШАНБА, 15

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви

*

8.00 "Уйимизга шер келди". Бадиий фильм.
9.05 "Цирк! Цирк! Цирк!"
9.50 Тавфиқ ал-Ҳаким. "Изҳор". Теленовелла.
10.30 "Кино таҳририяти" почтасидан.
11.15 "Хотира". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Матниёз Юсупов.
12.15 — 14.15 "Маънавият" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 "Сирли сандиқ". Телеўйин.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Кўнгил изҳори". Аҳмаджон Шукуров куйлайди.
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мактуб — кўнгил ойнаси".
22.10 "Олтин мерос". Ўзбекистон халқ артисти Миршоҳид Мирокилов.
23.10 Эълонлар.
23.15 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
23.25 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Табиат дунёси".
10.20 Янгиликлар.
10.25 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.45 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.00 Видеогид.
12.20 "Теле-ателье-шоу".
12.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.55 "Кинонигоҳ".
14.35 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

*

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Пульс". Хабарлар.
19.25 "Менинг кўчам".
19.45 "Хонадонингиз осойишта бўлсин!"
20.45 — 22.25 "Кинематограф".

ЎзТВ III

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 Телефильм.
20.55 "Аншлаг".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25—23.15 "Мутлақо махфий".

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 "Безнен мирас" (татар тилида).
10.40 "Умид" (уйғур тилида).
11.20 — 11.50 Болалар учун фильм. "Эшмат—раҳмдил фариштa".

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Уммондан томчи".
20.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.50 "Технопарк".
21.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.40 "Таклифлар ва ташриф-лар".
22.05 "Деҳқон даладан қайтди".
23.05 "Бу ажиб дунё".
23.05 — 23.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЯКШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.15 "Юрт ҳақида қўшиқ".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Сирли сандиқ". Телеўйин (такрор.).
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ стартлар".
12.45 "Туркистон — умумий уйимиз". Мусиқий дастур.
13.30 — 14.45 F. Раҳмон. "Синган танбур нидоси". М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят театрининг спектакли.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 "Маҳалламиз болалари".
19.05 "Ойнаи жаҳонда..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Кино ва томошабин".
20.45 "Телеоператор нигоҳида".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 Санъат усталарининг концерти. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
22.35 Эълонлар.
22.40 "Оқсоқ дарвеш". Бадиий фильм.
00.15 — 00.40 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
10.50 Янгиликлар.
10.55 Видео янгиликлари.
11.15 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 — 14.30 "Кинонигоҳ".

***

17.00 "Совға".
17.30 Жаҳон географияси.
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.05 Эълонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "... яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви

САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН

АСР ТЕНГДОШЛАРИ

Инсон боласи неча йилгача умр кўриши мумкин?

Ш. ВАҲОБОВА,
Чирчиқ шаҳри.

Мутахассисларнинг изланишлари, илмий-тадқиқотларга асосланишларига қараганда одам танаси оз эмас, кўп эмас икки аср, яъни икки юз йиллгача «хизмат» қилиши мумкин экан. Бу албатта назарий жиҳатдан қараганда. Амалда эса ҳозирда ҳеч ким бундай маррага етолмаган. Бундай узоқ умр кўрган одамлар бўлган бўлса ҳам улар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ. Бизгача маълум бўлгани озарбайжонлик Шерали Муслимов 1973 йили 168 ёшини қаршилаб дунёдан ўтган. Қизиғи шундаки, бу табаррук инсон шу ёшида уйланган ва қиз кўрган.

Баъзи мутахассисларнинг таъкидлашларича, одам юздан ошгандан кейин унинг танаси ёшара бошлар экан.

Хусусан, хитойлик Йянг Аицхен етмиш ёшида ҳамма тишларидан ажралди. Тўксон икки ёшга борганда эса милклари оғриб, янги тишлар бўртаётганлигидан шифокорлар ҳайратга тушишган.

ОЗДИРАДИГАН ШЎРВА

Ноқулай бўлса ҳам сўрашга мажбурман. Очиғи семизликдан қийналяпман. Оч қолмай озишнинг илажи борми?

Т. ГАСАНОВА,
Тошкент шаҳри.

Пазанда-ю, шифокорларнинг фикрларига қараганда семиришнинг олдини олиш бўйича кўпгина йўл-йўриқ ва тавсиялар бор. Фақат улар бировга ёқиб, бировга ёқмайди. Шунинг учун ҳам семириш осон-у, озиш, дейишади. Биз сизга ўзига хос бир шўрвани тайёрлаш усули ҳақида маълумот берамиз. Фойдаси бўлса зора. Умуман олганда немислар шундай шўрвадан фойдаланган ҳолда бақувват овқатланишса ҳам семириб кетмасликни эплашмоқда.

Бундай шўрвани тайёрлаш учун икки литр сув, ўртача катталикдаги беш дона картошка, икки дона сабзи, беш ош қошиғида майдаланган газанда ўти, бир дона пиёз, тўрт ош қошиғида майдаланган лебед гиёҳи, икки ош қошиғида майдаланган маймунжон, чорак стакан ёғсиз сметана керак бўлади. Картошкани артиб тозалагач, нафис ипроқчалар шаклида тўғралади. Устига қайноқ сув қуйиб, кераклича туз солиб, 3 — 5 минут қайнатилади. Кейин 10 — 15 минут олиб қўйилади. Сабзи, пиёз ва шифобахш ўсимликлар солинади. Яна оловга қўйиб, қайнаш даражасига етказилади. Шундан кейин бундай пархез шўрвани дастурхонга тортиш тавсия этилади.

КИМ ҲАҚ, КИМ НОҲАҚ

ГАЗЕТХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ВИЛОЯТ АДВОКАТЛАР ҲАЙЪАТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ Ф. АШУРОВ ЖАВОБ БЕРАДИ

САВОЛ: Ишга кечикиб келган эдим, маъмурият мени жарима билан жазолади. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўғрисидаги қонун кодексининг 158-моддасига асосан меҳнат интизоми бузилган (ишга кечикиб ёки маст ҳолда келиш, сабабсиз ишга келмаслик) ҳолларида маъмурият ходимни жарима солиш билан жазолаши мумкин. Лекин жарима миқдори ўртача ойликнинг 40 фоизидан ошмаган бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан маъмурият сизга нисбатан тўғри йўл тутган.

САВОЛ: Қандай шахслар қўшимча отпуска олишга ҳақлидир.

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат тўғрисидаги қонун кодексининг 82-моддасига кўра қуйидагилар қўшимча отпуска олишга ҳақлидирлар,

а) Саломатлик учун зарарли шароитда ишловчилар;

б) меъёрланмаган ишда ишловчилар;

в) уч ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзанди бўлган аёллар.

Лекин бу имтиёз албатта жамоанинг меҳнат шартномасида кўзда тутилган бўлиши керак.

г) Шунингдек, қонунда кўрсатилган бошқа шароитда меҳнат қилувчилар.

САВОЛ: — Ёлғиз ўғлим қамалиб қолди. Лекин менда ҳимоячи таклиф қилиш учун имкон йўқ. Аниқроғи маблағ йўқ.

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг 50-моддасига асосан ишни юритаётган суриштирувчи терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда ҳимоячи меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаражатлари Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади.

САВОЛ: — Меҳнат қилиш ҳуқуқи бузилган ҳолларда қандай жазо кўзда тутилади?

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг 148-моддасига асосан била туриб ғайри қонуний равишда ишдан бўшатиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қаорини бажармаслик, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилса:

Энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш.

ЭНГ ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

Ҳурматли таҳририят!
Энг шифобахш неъматлардан ҳисобланган асалнинг таркиби ва у қандай касалликларга даво бўлиши ҳақида маълумот берсангиз.

С. Ҳайдарова,
Бўстонлиқ тумани.

Асал жуда қадимдан халқ табобатида дори сифатида ишлатилиб келинади. Бироқ биз асал ва унинг шифобахш хосиятлари борасида жуда кам биламиз.

Асални халқимиз «минг дардга даво» деб бежиз айтишмаган, чунки асалда турли хил органик ва ноорганик бирикмалар, микроэлементлар, ферментлар ва бошқа биологик актив моддалар борки, уни халқ табобатида дори сифатида ишлатиш ҳозирги дори-дармонлар тақчил вақтида жуда қўл келади. Асалда глюкоза ва фруктозадан ташқари оқсил моддалари бўлиб, киши танасига куч-қувват бағишлайди ва киши касал бўлганда соғайтиради.

Асал таркибида олтингугурт, калий, кальций, йод, хлор, темир, магний ва фосфор тузлари бўлиб, улар киши қонидаги таркибга мувофиқдир. Бу эса асал тановул қилинганда ўзгармасдан киши қонига сўрилади, яна асалда қатор микроэлементлар, марганец, кремний, алюминий, бор, хром, литий, никель, кўрғошин борки, у ҳам киши танаси учун доим керакдир, асалда ўнга яқин дармондори (витаминлар) бўлиб, булар ҳам киши касалланганда доим зарур бўлган моддалардир.

Асал бу қадар шифобахш моддаларга бойлигининг боиси шундаки, у соф ҳолда гиёҳ ва дарахтларнинг гулидан, табиатнинг энг уйғониш вақтида асаларилар томонидан «йиғиб» олинади ва ҳеч қандай иссиқликда тобланмай табиий ҳолда олинади. Демак, асал ташқи таъсирсиз ўзгармаган ҳолда етказилади, яъни у табиий соф ҳолда бўлади.

Шу туфайли асални кўз касалликларда ишлатилиши мумкин, ошқозон, ичак касалликларида, буйрак, жигар, таносил, модда алмашинишларини бузилишида, қон босими пасайишида, дармондориларнинг (витаминларнинг) етишмаслигида ва ҳатто яраларни даволашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Т. ХАСАНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

ВИЛОЯТ ДАРВОЗАЛАРИ БЕРКМИ?

Ёки осон йўл билан пул топиш мақсадида эл ризқини қияётган фирибгарлар ҳақида

2. ХОМ ТЕРИ ОПЕРАЦИЯСИ

ВИЛОЯТ ҳудудидан чиқавершдаги йўллар ёқасида, албатта, божхона назорат пунктлари жойлашган. Нозирлар бу ерда кеча-кундуз сергак туриб, келаётган ва кетаётган юкли автомашиналарни текширишлари одатга айланган. Бир кунда юзлаб машиналар тўхтаб ўтади, юзлаб турли миллатга мансуб ҳайдовчилар нозирлар билан мулоқотда бўладилар. Юзлаб одамлар, юзлаб характердаги кишилар...

...Бир-биридан орқада қолмай келаётган учта КамАЗ автомашинаси тўхтатилди. 69-85 ЛБЛ машинасининг ҳайдовчиси Раҳматулло Бобоев Тожикистоннинг Панжикент туманидаги «Кавобод» жамоа хўжалигида, 69-84 ЛБЛ рақамли автомашинани бошқараётган Фахриддин Қосимов ҳам шу тумандаги «Сўғдиён» жамоа хўжалигида, кейинги 91-50 ЛБМ сонли машина ҳайдовчиси Сирож Ибодов Панжикент шаҳридаги «Парвиз» қўшма корхонасида ишлар эканлар. Саломаликдан сўнг нозирлар уларнинг қаердан қаерга боришаётганини, машиналарга қандай юк ортилганлигини суриштиришди.

— Бишкек шаҳридаги «Келишим» фирмасига 1800 дона хом тери олиб кетяпмиз. Мана, юкнинг ҳужжатлари,— Раҳматулло Бобоев шундай деди-да, Панжикент қишлоқ матлубот жамиятига қарашли тайёрлов идораси раҳбари М. Шарипов расмийлаштириб берган ҳужжатни кўрсатди. У ўзини ниҳоятда хотиржам тутарди. Айнан мана шу хотиржамлик божхона нозирларини шубҳага солиб қўйди. Ҳақиқатни аниқлашнинг эса йўллари кўп бўлади. Кейин учала ҳайдовчи ҳам юк машиналарга Тожикистонда эмас, балки, Самарқанд шаҳрида ортилганлигини, ўзлари исми-шарифини билмайдиган ва танимайдиган бегона одам томонидан ёлланганликларини тан олдилар. Шундан сўнг теріларни бирма-бир санаб кўришди. Ҳужжатда қайд этилганидек 1800 та эмас, балки ҳар бир машинага мингтадан тери юкланганги маълум бўлди...

Кейинги пайтларда савдо-сотиқ билан шуғулланадиган ишбилармонлар қорамол ва қўй терилари савдосига кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолишди. Улар ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам теріларни республика чегараларидан олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилишяпти. Мабодо қўлга тушиб қолгудек бўлса турли хил афсоналарни шариллатиб тўқиб ташлашадики, уларни эшитиб, қайси бири рост, қайси бири ёлғон эканлигини ҳам ўнча-мунча одам сезмай қолади. Аммо масаланинг асл моҳиятини тез англаб олишга кўникиб кетган божхона нозирлари учун бу афсоналар чўт эмас. Улар ҳар қандай уйдирма гапларни ҳам зум ўтмай чақиб ташлашади.

...Эрталабки беш дақиқалик режалаштириш пайтида нозирлар турк миллатига мансуб номаълум шахслар бир неча кундан бери дам у, дам бу божхона пунктлари ёнида пайдо бўлиб, ўзларини гапга солаётганларини ва «озгина хом теріларни борлигини, шуни вилоятдан олиб чиқиб кетишга рухсат беришларини» илтимос қилаётганларини айтишди. Бу хабар ҳаммани ўйлатиб қўйди. Ўзаро маслаҳатлашиб, «арқонни узун ташлаб қўйишни» маъқул деб топишди. Биргалашиб ҳаракат режаларини тузиб чиқишди...

Иккита юк машинаси эрта тонгда «8 — Бўстон» божхона нозирлик пунктини четлаб ўтиб, вилоят чегарасига етганда йўл тўсилди. Божхона қонун-қоидаларига амал қилиб ҳайдовчилардан автомашинага ортилган юкнинг тегишли ҳужжатлари суриштирилди. Турк тилида битилган бу ҳужжатларда Истанбул шаҳридан йўлга чиққан автомашиналарга 215 той, жами 20 тонна 850 килограмм пахта толаси ортилгани ва бу юклар транзит тариқасида қўшни мамлакатга олиб борилаётганлиги қайд этилганди. Ҳужжатларнинг бенуқсон расмийлаштирилганлиги, ҳатто, энг синчков ходимни ҳам шубҳага солмас эди. Бироқ нозирлар машина юкхонасини очиб кўришга қарор қилдилар. Ўз кўзлари билан кўрмагунча ишонч ҳосил қилмасликларини ётиғи билан ҳайдовчиларга тушунтирдилар ва айни пайтда разм солиб туриб, бу таклиф уларда қандай таассурот қолдираётганини диққат билан кузатдилар. Ҳозиргина оғзидан бол томиб, муомала қилаётган ҳайдовчилар бу таклифни эшитиб, бирданига юзлари тундлашди, «бу мумкин эмас», деб оёқ тираб туриб олишди. Юкхона эшиги очилганда эса уларнинг тарвузлари қўлтиқларидан тушиб, бошларини эгиб қолишди. Негаки иккала машинанинг юкхонаси той пахта билан эмас, балки туз сепилган хом тери билан тўлдирилган эди. Кейин бу теріларни санаб кўришганида 3412 та эканлиги маълум бўлди.

— Хўш, пахта афсонасини давом эттирамизми ёки тўғрисига кўчиб қўяқоласизларми?— деб сўради божхона пункти раҳбари ўзини «юкни кузатиб келаяпман» деб таништирган Ослан Угурлуган деган кишидан.

— Кечирасизлар,— деди сири фош бўлган О. Угурлуган.— Бу теріларни Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрига олиб кетяпмиз. У ерда бизларни Ислом деган одам кутиб олиши керак. Юк ўша кишиники.

— Бу теріларни қаерда машиналарга юкладинглар?

Шу ерга етганида савол-жавобларга қўшилмай, суҳбатга жимгина қулоқ солиб турган киши гапга аралашди. У ўзининг Бишкек шаҳрида яшашини, Ислом деган таниши уни Тошкентда учратиб қолиб, ёрдам беришини илтимос қилганини ва «Алгоритм» уй-жой массивида кира қилган мана шу машинага теріларни ортганини, энди эса юкни Бишкекка кузатиб бораётганини сўзлаб берди.

Божхона ходимлари ана шу тариқа навбатдаги афсонани фош қилдилар.

Яна бир хом тери операцияси ҳам 34-Р-6936 белгили «Хоншет» маркали турк машинасига алоқадор бўлди. Сирдарё вилояти томон бораётган оғир юкли, тиркамали бу автомашинани Чиноз тумани чегарасида тўхтатишди. Ҳайдовчи Гурхан Ҳонди берган ҳужжатларда 5 минг дона хом тери Жанубий Қозоғистон вилоятининг «Сайрам» қўшма корхонасига қарашли эканлиги ёзилганди. Орадан кўп ўтмай юкнинг эгаси — сайрамлик Неъматилла Тожихонов ҳам етиб келиб, Туркия фирмаси билан тузилган шартнома бўйича ўзи тайёрлаган ушбу теріларни юбораётганлигини тушунтирди. Бироқ кўп ўтмай унинг ёлғон сўзлаётгани, бу гаплар навбатдаги уйдирма эканлиги ошкор бўлиб қолди. Нозирларнинг «Нега Тошкент вилоятига кириш ва чиқиш учун ҳужжатда тегишли божхона белгиларини қўйдирмагансиз? Наҳотки қўшма корхона раҳбари сифатида мана шу оддий қоидани билмасангиз?» деб берган саволи ҳақиқатнинг тагига етишга ёрдам берди. Ҳақиқатда эса 5 минг дона тери юк машинасига Тошкент вилоятининг Эркин қўрғонида ортилган ва мамлакатдан четга чиқариб юборилаётган экан. Қонун-қоидага хилоф тарзда иш тутган қўшма корхона учун ушбу тери операцияси ғоят қимматга тушди. Ушлаб қолинган юк мусодара қилинди.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиёти йўлидан дадиллик билан бормоқда. Шундай шароитда хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб бориши табиий ҳол, албатта. Аммо, бозор муносабатларининг ҳам ўзига яраша тартиб-қоидалари бўлади. У ҳамиша ҳалоллик билан иш юритишни, мамлакат ички қонун-қоидаларига изчил амал қилишни, давлатга иқтисодий зарар етказмасликни талаб қилади. Мана шуларга риоя қилган тадбиркорларга мамлакатимиз дарвозалари ҳамиша очиқ. Ўз шахсий манфаатини халқ манфаатидан устун қўйган, эл-юрт ризқини қийиб бойлик орттирмоқчи бўлган нопок, қилвир шахсларга эса йўл берк.

Р. ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ГАРРИНЧАНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРИ

У анча вақтгача меҳмонхонада чаккасини ушлаганча ўтирди. У чурқ этмас, саволларга жавоб бермас, далда беришларига қулоқ солмасди. У зиркираётган оёғини ўйларди. Яна унга Тангри қанчалар ҳақсизлик қилганини хаёлдан ўтказарди! Унга сўнгги имкониятни яратиб бергандай бўлувди: йўл очиб, тўп уришига ёрдам берди. Кейин эса унинг ўзи ана шу имкониятни тортиб олди. Эҳтимол, бу жазодир?

Португалия билан бўлган навбатдаги ўйинга уни қўйишмади. Тушунарли, ишончи оқламади... «Ботафого»дан уни «Коринтианс»га сотишди, бу ерда уни ўйинчилар бефарқ, картоллар эса ёвузлик билан қарши олдилар. Улар бу йигитни олиб хато қилганликларини тушунган эдилар. Сотиб олаётганда клубнинг обрўсини кўтарамиз, деб умид қилишганди, бироқ Ливерпулдаги ҳалокатдан сўнг иш бутунлай чаппасига айланиб кетди! Ўйинчиларнинг сарасини оламан деб омадсизга йўлиқишибди.

Амалдорлар қойинишар, мана шу хато учун, амалда ҳавога совурилган икки юз миллион круйзеро учун бир-бирларини айблашардилар. Ва Манэни энди нима қилсак экан деб ўйлашарди.

Уни бир неча ўйинга қўйишди. Унинг ўйини қовушмади. Бегона юртда (Сан-Паулу унинг учун деярли «чет эл» эди) умидни оқламаган ўйинчини хуштаклар билан қарши ола бошлашди.

Картоллар эса жаҳл қилишар ва «Сен учун шунча пул тўланган-у, ўйнамаяпсан. Бу қанча давом этиши мумкин?» дейишарди. Картолларнинг таъналари тобора кучайиб, минбардаги хуштаклар эса борган сари авжига чиқаётганди. Ўнг оёқ ҳам — айтганга юрмай қўйди. Ҳар қандай сабрнинг чегараси бўлади. Кунларнинг бирида Манэ эшикни терс ёпди. Аслида ҳам шундай қилди: хайр-хўш қилмай Риога жўнади. «Коринтианс»ни, унинг учун икки юз миллион тўлаган клубни ташлаб кетди.

Ия, ана холос... «Коринтианс» картоллари шунда ҳатто енгил нафас олдилар ҳам. Муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлганди. Энди кимликни кўрсатиб қўйиш пайти келди: шартнома тузган ўйинчи ўз ҳолича клубни ташлаб кетди. Яъни амалда шартномани узиб юборди.

Трибунал ҳукм чиқарди. Бу айни картоллар талаб килган ҳукм бўлди: шартномани узган ўйинчи, яъни сеньор Маноэл Франсиско дос Сантос икки йил бутунлай Бразилия ҳудудида бўладиган мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб қўйилди. Тамом, вассалом.

Манэ бу вақтда ўттиз уч ёшда эди. Исо пайғамбар ёши. Бу ёшда кўп спортчилар мартабани тугатадилар.

Одил суднинг қаҳрли қиличи Манэ ҳаётини икки қисмга бўлиб ташлади. Бунгача бўлган ҳамма нарса: тўпнинг майдон чимига урилиб шитирлаши, машқ майдончасидаги янги ўрилган ўтдан тараладиган ўткир ҳид, «Маракана»нинг улкан минбарларини тўлдириб ўтирган торсида (ишқибозлар)нинг қувноқ хайқириғию, изтиробли ноласи — ҳаммаси ўтмишга қараб кетди. Оёғида гўё эркаланадиган чипор тўп. Алдаб ўтишларидан сўнг орқасидан ағрайиб қоладиган ҳимоячилар. Қойилмақом қилиб ошириб берилган ёки киритилган тўпдан сўнг дўстларнинг қаттиқ қучиши. Ҳаммаси йўқ энди. Нима қилди ўзи?

У тикилди ва деярли ҳеч нарса қолмаганлигини кўрди. Ҳеч нарса ва ҳеч ким. Эльза-Креола — иккинчи хотинидан бошқа ҳеч ким қолмади.

Креола унга далда беришга уринарди. У ўзининг Кўқилвойига нисбатан шунчалар шафқатсизлик қилган ёвуз амалдорларни уришиб қарғарди. Лекин бу аёл эркалаш, овитиш ва муҳаббатдан бошқа нима бера оларди? Ҳаётда биринчи марта бу йигит, қизиқчи ва масхарабоз, ҳар қандай давранинг гули, аёллар қалбини ром этувчи ва болакайларнинг орзуси, мамлакатнинг ардоқли ўғлони ва бутун футбол оламининг қаҳрамони ҳаётда биринчи марта ўз теварагида машъум бўшлиқни ҳис этди. Илгари ўзини дўст деб атаб юрган, елкасига қоқиб, қучиб, у билан бирга суратга тушиб (Манэ билан қучоқлашиб тушилган ҳар бир сурат депутатликка номзодга сайловларда юзлаб ва минглаб янги овоз қўшиб берарди), қаҳвахонага таклиф қилиб юрганлар қаёққа йўқолди... Улар ўрнига янги кимсалар пайдо бўлди: қандайдир ҳужжатлар кўтарган амалдорлар, қанча пул ишлагани, тўланмаган солиқлар тўғрисидаги саволларни берувчи солиқ полицияси зобитлари. Унинг Риодаги уйини хатлашди. Говернадор оролидаги халқаро аэропорт билан ёнма-ён кичкина уйни. Аввал Швеция, кейин эса Чилидан зафар билан қайтганларида уларни кутиб олишган аэродром яқинидаги уйни. Англиядан учиб келишганда уларни хуштаклар чалиб помидорлар отиб яна шу ерда қарши олишганди. Лекин буларнинг ҳаммаси — олқишлар ҳам, чириган помидорлар ҳам — ўша, аввалги ҳаётда қолди. Мана бу, бугунги ҳаётда эса — сукунат, ёлғизлик, солиқ полицияси ва тортиб олинган уй.

Кейин судга чақириқ қоғози келди. Биринчи хотини — Наир ва қизларига тўланмаган алиментлар учун олтмиш саккизинчи йил мартида судья ҳукм чиқарди: «13 ой мобайнида ҳаммаси бўлиб 2600 «янги» круйзеро миқдорида алимент тўламаганлигини ҳисобга олиб, айбланувчи Маноэл Франсиско дос Сантос юқоридаги суммани даъвогар — Наир Франсиско дос Сантос хоним фойдасига тўлаб бўлмагунча қамоқ жазосини ўтасин».

Майда-чуйдаларигача аниқ ёзамиз ва судья бу нодир ҳужжатни титраб, кўзларида ёш билан ўқиганлигини ҳам таъкидлаймиз: судья болаликдан «Ботафого»нинг ишқибози ва Манэнинг ашаддий мухлиси бўлганди. Лекин қонун қонун-да!

Манэ ҳам агар жаноб Жозе Луис Магальяэс бўлмаганда қамоқда ётган бўларди. Бир вақт ана шу банкир уни операция қилишганда пулини тўлаганди. Энди жаноб Жозе Луис Манэни турмадан чиқариб олди: банкир Магальяэс Манэнинг алиментлар бўйича ҳамма қарзларини Наирга тўлади.

Энди нима қилиш керак? Иложи борича узоқроқда яшамоқ лозим. Айтиш керак, ҳар ойда Наирга ва қизларига икки юз янги круйзеродан тўлаб туришда давом этди. Ҳайрият, Эльза дуруст топарди. Манэга очдан ўлиш хавфи йўқ эди. Лекин аёл ҳисобига, ҳар қандай севикли ва севадиган бўлсин, аёл ҳисобига яшаш?..

Ўйлаб-ўйлаб бир фикр миясига келди. Мусобақалардан маҳрум этилиши фақат Бразилия ҳудуди учун тегишли-ку. Бинобарин, чет элда ўйнаса бўлар? Шундай қилиб у чет элга жўнади. Колумбиянинг Барранкиль шаҳри командасида бир неча ўйин ёлланиб ўйнашга уринди. Уни яхши қарши олишди. Озроқ ҳақ тўлашга ваъда қилишди. У майдонга чиқди, оғир ва суст ҳаракат билан тўпни қабул қилди, лекин уни бўйсундиролмади. Кейин яна бир хато қилди. Минбарларда хуштак бошланди.

Ўйиндан кейин Манэ журналистлар қуршовида ўзини оқлашга тушди: «Биз, футболчилар, артистларга ўхшаймиз. Бизни ёллашади. Яхши ўйнасак — бизни олқишлайдилар. Ёмон ўйнасак — хуштак чалишади».

Кейин унинг бардоши чидамади ва Барранкилдан кетиб қолди. Уругвайда, пойтахтнинг «Насионал» клубида пайдо бўлди. Лекин бу ердагилар анойи эмасди. Улар дарров тушуниб, Манэ ҳозир пиво ичиб эслаб ўтиришгагина ярайди, дея мулойимгина жавобини беришди. Аргентинанинг «Бока Хониорс» командасида ҳам шу ҳолат такрорланди. Тренерлар унинг қорнини, қийналиб югуришини кўриб, тескари қарашди.

Мусобақалардан маҳрум қилинганлик муддати тугаб қолаётган эди. Шунда Манэ Бразилияда бахтни синаб кўриш вақти етди, деган қарорга келди. У ҳатто юрак ютиб «Ботафого»да пайдо бўлди. Ўша — Женерал Севериано кўчасидаги стадионга, бир вақт уни Арати олиб келган ўйингоҳга келди. Бу ерда картоллар энди бошқа эди, улар аввалги жанжалларни унутиб, Манэга нисбатан ёмонликни сақламаган эдилар. Йигитлар эса уни қадрдонлардек қарши олишди: кучоқлаб, елкасига қоқиб қўйишди. Загало — энди у тренер эди, уни ярим соатлик икки томонлама машқда резерв таркибида ўйнашга қўйди. Худди бир вақтлар Жентил айнан шундай қилганди! Ҳозир қария Нилтон эса пепси шишасини кўтариб минбарда ўтирарди.

Манэ нималардир қилишга уринарди. Барранкилдагига ўхшаб қоларди: ёш, ўжар болалар ҳар бир ҳаракатда уни орқада қолдириб кетишарди. Ҳатто машқдан сўнг, ҳамма сув ичишга борганда ҳам ундан олдин етиб келишар: яшикдаги сувга навбат кутиб туришар, Манэ эса табиий, энг охирида бўларди,.

Минбарда эса, бу вақтда Нилтон бўғиқ овоз билан репортерларга дерди: «Манэнинг тиришқоқлигига рахминг келади, лекин бу тиришқоқликдан ҳеч нарса чиқмайди. Наҳотки, у футбол унинг учун тамом бўлганлигини тушунмаса? Наҳотки, вақтида кетишга қодир эмас? Худодан битта тилагим бор — Манэнинг кўзини очиб, ўзининг қанақа бўлиб қолганлигини англатсин! Ахир у одамларга қанчалар кувонч бағишлаганди. Ахир у ўз соддалиги билан муқаддас-ку...»

Ўша йил июнь ойида Швецияда биринчи марта машҳур Жюль Рим кубоги қўлга киритилган кунга роппа-роса ўн йил тўлган кунни бирдан эсладилар. Ўн йил — тўлиқ сана. Уни тантанали зиёфат билан нишонлашга қарор қилинди. Зиёфатга ўша тарихий жасоратга алоқадор, бироз алоқаси бор ва умуман алоқаси йўқ кўпгина одамларни таклиф қилдилар. Манэни эсдан чиқардилар. Таклиф қилмадилар. Нега? Ҳеч ким билмади. Эҳтимол, спорт адолатпешалари берган жазо фақат ўйинларгагина алоқадор бўлмагандир?

Кейин Бразилия термасининг ФИФА термаси билан эсдалик ўйинини ўтказишга қарор қилинди. Бир хил эски ошноларни ўйинчилар сифатида, бошқаларни томошабинлар сифатида фахрий ҳукумат минбарига таклиф қилдилар. Манэни унга ҳам, бунга ҳам таклиф этишмади. Матбуотда: «Халқ қувончи қани? Улуғ Манэ қани? деб жанжал кўтарилганда тадбирни ўтказишга масъул бўлган амалдорлар ўзларини шундай деб оқлашди: «Бизга маълум бўлишича, Гарринча чет элда юрибди...» Бу ёлғон эди. Лекин буни ким текшириб кўрарди? Ҳа, Манэ бутунлай унутилганди.

(Давоми бор)

(Давоми. Боши газетанинг 1 июль сонида)

Бу болакайдан Гарринча чиқса ажабмас.

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.



Вилоятимиз бўйлаб: бугунги «Хумсон».

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ОЛТИН, КУМУШ БИЗНИКИ

• СЕУЛ кубоги учун бокс бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан тўрт спортчи қатнашди. Шуниси қувончлики тўрттала спортчимизнинг ҳаммаси совринли ўринларни эгаллашди. Вилоятимиз вакили ангренлик Темур Иброҳимов финалда собиқ Иттифоқ ва Қозоғистон чемпиони А. Шировга ютқазиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Қолган уч боксчимиз эса ўз вазнларида ғолиб келиб, олтин медаль эгаси бўлдилар. 67 килограмм вазнлилар баҳсида Хожиакбар Зокиров, 71 килограммликлар даврасида вилоятимизнинг иккинчи вакили Карим Тўлаганов ва 75 килограмм оғирликдаги боксчилар олишувида самарқандлик Дилшод Ёрбеков биринчи ўринни эгалладилар. Норасмий ҳисобда Ўзбекистон спортчилари майдон эгалари ва Қозоғистон жамоаларини ортда қолдириб биринчи бўлишди.

«АБДУ» ПЕШҚАДАМ

• АНЪАНАВИЙ «Тур де Франс» халқаро велопойгаси ҳамиша жаҳон спорт жамоатчилигининг жиддий эътиборида туради. Бу сафарги пойгада 9 жамоа таркибида 189 спортчи қатнашмоқда. Франция ва Бельгиянинг мураккаб тоғ йўллари бўйлаб 3655 километр масофани ташкил этган пойгада жаҳоннинг энг кучли спортчилари иштирок этмоқда. Катта спортга Олмаликда қадам қўйган ва мухлисларга яхши таниш бўлган Жамолиддин Абдужабборов францияликлар спорт шайдолари орасида «Абду» номи билан машҳурдир. Биринчи босқичда 233 километрлик масофани учинчи бўлиб босиб ўтган, иккинчи босқичда ғолиб келган Ж. Абдужабборов ҳозирча шахсий ҳисобда яшил спорт кўйлагида пешқадам бўлиб пойгани давом эттирмоқда.

ОСИЁ БИРИНЧИЛИГИГА

• АНГРЕНЛИК оғир атлетикачи Дмитрий Фролов Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрига жўнаб кетди. Бу ерда у оғир атлетика бўйича ўтказиладиган Осиё биринчилиги мусобақаларида Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилади.

ИККИНЧИ ДАВРАНИ БОШЛАШДИ

• ФУТБОЛ бўйича мамлакат биринчилиги биринчи табақаси вакиллари иккинчи давра ўйинларини бошладилар. Биринчи даврани биринчи ўринда якунлаган Косонсойнинг «Кушон» жамоаси ўз майдонида Қибрайнинг «Маданият» футболчиларини қабул қилиб, 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Пешқадамлардан бири бўлган «Чилонзор» жамоаси ҳам сафарда «Гулистон» билан бўлган ўйинни натижасиз тугатиб, 1 очко билан кифояланди. Чирчиқнинг «Кимёгар» футболчилари ўз майдонларида Хаққулободнинг «Норин» жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этишди. «Мебелчи» эса «Бахт»дан 0:3 ҳисобида енгилди. «Олтинкул»,—»Шаҳрихон» учрашувида 2:3 ҳисоби қайд этилди. Жадвалда иккинчи ўринда бораётган Бўстонлиқнинг «Газалкент» жамоаси бу турда дам олди.

Биринчи гурух, биринчи минтақасида тўп сураётган вилоятимизнинг яна бир вакили — Олмаликнинг «Металлург» футболчилари Коғоннинг «Локомотив» жамоасини қабул қилиб 3:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Нақд пулга "Таврия" а/м қисмлари сотилади
Тел: 53-05-02

Акмал Икромов туманидаги 193-мактаб томонидан Одилова Мавлуда Ҳамидовна номига берилган № 793272 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Муҳаррир: **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирулардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0289. 17198 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 1 2 3 4 5 6